

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

**АЖДОДЛАР МЕРОСИ –
МАЪРИФАТ ЗИЁСИ**



Тошкент 2015

УЎК: 37.017.92

КБК: 74.200.25

А 35

Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби ёшлиар ва уларнинг таълим-тарбиясида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар энг аввало, аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни, бунёдкорлик ғоялари ва эзгу таълимотларни ёшлиар онгига сингдириши ва шу билан бирга уларни пок имон-эътиқод, Ватанга садоқат, олижаноблик руҳида тарбиялашда ўз аксини топмоқда. Кўлингиздаги китобда айни мавзуларда сўз боради.

Аждодлар мероси – маърифат зиёси / М. Б. Йўлдошев [ва бошқ.]. – Тошкент: MOVAROUNNAHR, 2015. – 96 б.

Масҷул муҳаррир:
Муҳаммад Бобур ЙЎЛДОШЕВ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3501-рақамли холосаси асо-
сида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-337-3

© «Movarounnahr», 2015.

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

“Биз бу мутафаккирларимизнинг қуттуғ меросидан бутун ҳалқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, Ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз”¹.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини, яъни 17 миллиондан ортигини ёшлар ташкил этади. Фарзандларимизнинг илмли, ахлоқли бўлиб камолга етишларига уйда ота-оналар, ўқув юртларида эса муаллим ва устозлар астойдил жон куйдиришлари керак. Бир сўз билан айтсак, ўғил-қизларимизни илм-маърифатга ошно қилиш ишидан ҳеч ким четда турмаслиги лозим. Бу борада айниқса, ҳалқимизнинг етук алломалари, мутафаккирлари, фозил кишилари ҳамиша олдинги маррада бўлишган. Улар миллатнинг келажаги – ёшларни миллий ва диний қадриятлар асосида тарбиялашнинг энг муҳим жиҳатларини ҳамиша таъкидлаб келишган.

Улуғ маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий ёшларга мурожаатномасида, жумладан бундай ёзади: “...Ушбу тараққий этган замонда илмсиз, маърифатсиз, қуруқ таассуб билан яшаб бўлмайди. Ҳозирги

¹ Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 336-бет.

замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган таассубларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди. Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илму маърифатдир” (“Ойна” журнали, 1914 йил, 41-сон. Қисқартириб олинди).

Яна бир мутафакир бундай деган: “Фарзандлари тарбиясига лоқайд қараган миллатлар инқирозга маҳкумдир. Уларни бегона қўллар ва бегона маданиятга таслим этганлар ўзини йўқотишга маҳкумдир. Бу жўшқин сатрлар бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган!

Демак, ёшлар улуғ аждодларнинг мурожаат ва вакиятларида айтилганидек, фақат теран илм, доимий изланиш, дунё ва охиратни унутмаслик асосида ҳаракат қилишлари лозим. Бунда ўтган аждодларнинг руҳларини хотирлаш, уларга муносиб авлодлар бўлишга интилиш ҳам алоҳида ўрин тутади. Улуғ боболаримизнинг номларини хотирлаш, бебаҳо асарларини ўқиб-ўрганиш билан бирга, уларнинг охирги манзилларини, қадамжоларини зиёрат қилиш, ҳақларига хайрли дуолар қилиш фарзандларнинг муҳим бурчларидан ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларида том маънода тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мана шу залворли ишлар силсиласида ғоят қадимий ва бой тарихимиз, бетакрор миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, башариятга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган буюк алломаларимиз фаолияти тафсилотлари ва асарларини халқقا етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида аҳамият кассб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистан аталмиш она юртимиз аҳли бағоят истеъдодли, толе-иқболи баланд халқдир. Чунончи, хоҳ дунёвий илмлар бўлсин, хоҳ

диний илмлар, бизнинг юртимииздан бошқа ҳеч бир худудда учрамайдиган даражада кўп буюк алломалар етишиб чиққан. Шу боис ҳозир тилимизда «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» деган янги, қутлуғ бир ибора пайдо бўлиб, кенг жамоатчилик ўртасида муомалага кириб келаётгани барчамизга мамнунлик баҳш этади. Истиқлол йилларида муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида бу буюк зотлардан қанча-қанчаларининг ҳаёти ва асарлари илмий асосда ўрганилиб, кенг оммага етказилди. Уларнинг табаррук номлари тикланиб, абадий ором топган мақбаралари обод қилинди ҳамда муборак зиёратгоҳларга айлантирилди.

Президентимиз Ислом Каримов қарори билан 2008 йили ташкил этилган Имом Бухорий ҳалқаро маркази фаолиятида юртимииздан етишиб чиққан илм-фан ва маданият намояндадарининг ҳаёт йўллари ва улар қаламига мансуб асарларни ўрганиш ҳамда тарғиб этиш масаласига алоҳида ўрин бериляпти.

Имом Бухорий (810-870)

Имом Бухорийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардизбаҳдир. Кўпчилик муҳаддисларнинг таъкидлашларича, “Бардизбаҳ” сўзи арабча “зориъ” (зироат, дехқончилик билан шуғулланувчи киши) маъносини билдиради.

Имом Бухорий илм-фан ва маданият равнақи билан азалдан машхур бўлган Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Мана шу муҳташам шаҳар – Бухорои шарифда 194 ҳижрий сана, шаввол ойининг 13 кунида жума намозидан кейин (810 милодий сана, 21 июль) жами муҳаддисларнинг имоми, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак ҳадисларининг энг ишончлиларини жамлаган улуғ зот Имом Бухорий дунёга келган.

Манбаларда келтирилишича, Бухорийга ўн ёшидан бошлаб ҳадисларни ёд олиш илҳоми насиб этган бўлса, ёши улғайган сари бу истак тобора кучайиб у нафақат ҳадисларни шунчаки ёд олиш, балки ёшлигидан ҳадисларни сахих ва ғайри сахихга ажратиш, уларнинг иллатларини аниқлаш, ҳадис ровийлари маълумотларининг тўғрилиги, ишончли ёки ишончсизлиги, ровийларнинг ҳаёти, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан ўзаро мулоқотлари тафсилотини билиш, турли ровийлар келтирган ҳадисларни бир-бирига солиштириб муқояса қилиш, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ёхуд узилишлар мавжуд ҳолатлар, ҳадис илмининг яна бошқа хилма-хил муаммоларини чуқур тадқиқ этиш, ҳадисларни саралаб жамлаш ва Куръони карим оятлари билан узвий боғлиқликда ўрганиш каби масалаларга қизиқади.

Манбаларда келтирилишича, Имом Бухорий ўз илмий ижодий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ асарлар яратган. Улар қуйидагилардан иборат: “Ал-жомиъ ас-сахих”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Китоб ал-куна”, “Китоб ал-фароид”, “Жузъ фи рафъ ал-ядайн”, “Ат-тарих ал-кабир”, “Ат-тарих ал-авсат”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ал-жомиъ ал-кабир”, “Халқ афъол ал ибод”, “Китоб аз-зуафо ас-сағир”, “Ал-муснад ал-кабир”, “Ат-тафсир ал-кабир”, “Китоб ал-хиба”, “Асомий ас-саҳоба”, “Китоб ул-вухдон”, Китоб ал-мабсут”, “Китоб ал-илал”, “Бирр ал-волидайн”, Китоб ал-ашрибати”, “Ал-Қироату халф ал-имом”.

Имом Термизий (824-892)

Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Абу Исо Сулламий Зарир Буғий Термизий бўлиб, 209/824 йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шеробод тумани

худудида жойлашган) қишлоғида ўртаҳол бир оиласа таваллуд топган. Марказий Осиёлик машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим Самъоний (1113-1167) Термизий Буғ қишлоғида вафот этгани учун “Буғий” тахаллуси билан ҳам аталгани, олимнинг кўп йиғлаганидан умрининг охирларида кўзининг ожиз бўлиб қолганлигидан “Зарир” (кўзи ожиз) деб ном олганини ҳам қайд қилади. Лекин эл орасида Термизий номи билан машҳур бўлишига сабаб унинг бутун ҳаёти ва фаолияти (ёшлигидан бошлаб) Термиз шаҳри билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан, шунингдек, олим туғилган Буғ қишлоғи Термиз шаҳрига яқин, маъмурий-идоравий жиҳатдан унга мансуб қишлоқлардан эканидан, деб изоҳлаш мумкин.

Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга ўта қизиқиш ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашда баралла намоён бўлди. У ёшлик пайтларидан бошлаб Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламолар ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўргана бошлади, кейинчалик қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидағи илм аҳллари билан алоқалар ўрнатди. Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узок юртларга, қатор мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилди. Жумладан, у Ҳижоз – Макка ва Мадина, Ирок, Хуресоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддисларнинг қизғин илмий мунозара ва баҳсларида иштирок этди.

Шу билан Термизий ўзининг ёшлиқдан қизиқсан Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ва ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадисни алоҳида

қоғозларга қайд қилиб, асли ва иснодини изчиллик билан аниқлагач, уларни алоҳида-алоҳида қоғозларга қайд қилиб борган. Турли ровийлардан эшитган ҳадисларнинг тӯғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганда, уларни ҳам ажратиб, алоҳида батартиб ёзиб борган. Шу тариқа ҳадисларнинг тӯғрилиги, исноди тадқиқ қилингандиги ёки шубҳали турли табақаларга бўлиб, улар саҳих (тӯғри ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз), ғарип (ғалати), каби хилларга ажратилган. Термизий ўз асарида келтирилган ҳадисларни ушбу даражалар асосида кўрсатиб ўтган.

Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти давомида ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий-маънавий меросида, шубҳасиз, “Ал-Жомиъ” асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Ал-Жомиъ ал-қабир” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” (“Термизий суннатлари”) номлари билан ҳам юритилади.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири “Аш-Шамоил ан-набавия” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”)дир. Бу асар “Аш-Шамоил Мұхаммадия”, “Аш-Шамоил фи шамоил ан-Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам” номлари билан ҳам аталади.

Ҳаким Термизий (820-932)

Ҳаким Термизийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий бўлиб, унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожуддин Субкий, Ҳатиб Бағдодий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Сулламий ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек, унинг ўзининг қаламига мансуб «Бадъу шаъни Аби Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши») номли автобиографик рисоласида келтирилган.

Унинг мазкур шаклдаги тўлиқ исми аллома томонидан ёзилган «Наводир ул-усул фи маърифат ахбор ар-Расул» («Расууллоҳ, хабарлари ҳақидаги нодир усуллар»), «Илм ал-авлиё» («Валийлар илми»), «Хатм ал-авлиё» («Авлиёлар муҳри») ва «Назоир ал-Қуръон» («Қуръон ибратлари») каби асарларнинг номлари ёинки муқаддима қисмларида ҳам айнан шу тарзда келтирилган. Ҳаким Термизий таваллуд топган сана хусусида ҳам ёзма манбалар ва адабиётларда турли йиллар учрайди. Одатда, ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг фақат вафот этган йили кўрсатилиб, таваллуд санаси келтирилмайди. Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва унинг таълимотини чуқур ўрганган мисрлик таниқли олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака Ҳаким Термизий 205/ 820 йилда Термиз шахрида таваллуд топиб, узоқ умр кўриб 320/932 йилда 112 ёшида вафот этгани ҳақида ёzáди. Мана шулардан хulosса қилиб айтиш мумкинки, бу йўналишда келажакда олиб бориладиган чуқур илмий тадқиқотлар аллома Ҳаким Термизий таваллуди ва вафоти саналарини янада аниқлаштириш имконини беради. Унинг мақбараси Термиз шахрининг яқинида – Амударё бўйида жойлашган.

Абу Лайс Самарқандий (911-985)

Алломаларимиз яратган бой илмий, диний-маърифий мерос таркибида тафсирлар, айниқса, ҳанифий мазҳаби уламолари томонидан ёзилган илмий тафсирларнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада Мовароуннаҳр муфассирларининг тафсир илмида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида Абу Лайс Самарқандийнинг илмий меросини ўрганиш ҳозирги кунимиздаги муҳим вазифалардан саналади.

«Имом ал-ҳуда», «Ал-Фақих» номлари, «Абу Лайс» куняси билан машҳур бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн

Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий 298/911 йили Самарқандда туғилган ва 375/985 йилда шу ерда вафот этган. Олим ҳаёти давомида тафсир, фикҳ, усул (дин асослари), ақида, зухд бўйича илмий фаолият олиб бориб, кўплаб асарлар яратган.

Тарожим асарлари орасида энг қадимгиларидан бўлмиш «Ал-Ансоб» асарини яратган Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (506/1113-562/1167) аллома ҳақида биринчи бўлиб маълумот берган муаррих саналади. У бошқа кўпчиллик тарожим асарларидан фарқли равишда, алломанинг яшаган жойини зикр этиб ўтади: «Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Тузий Абу Ҳанифа мазҳабидаги фақиҳлардан бўлган, баҳс-мунозараларда машҳур бўлган. Самарқандда яшаган ва шу ерда вафот этган. Устози Абу Иброҳим Термизий бўлиб, ундан ривоят қиласди. Шогирди – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Саъид Самарқандий Навоий». Самъоний алломани Туз қишлоғига нисбат беради.

Абу Лайс ўз замонаси олимларидан таҳсил олиб, ислом илмларида юксак мартабага эришган. Унинг баҳс-мунозараларида ўзига хос ўрни алоҳида таъкидланиши бунга мисол бўла олади.

Абу Лайснинг лақабларидан бири «ал-Фақиҳ» бўлиб, куняси билан бу лақаби қўшилиб, «Фақиҳ Абу Лайс» деб айтилар эди. Олим шу ном билан тарихда танилди. Аллома фиқҳ илмида ҳам юксак мартабага эришган бўлиб, ўз замонасида унга тенг келадиган олим топилмас эди, унинг «ал-Фақиҳ» деб аталиши ҳам шунга далолатдир.

Ривоятларга қараганда, Абу Лайснинг ўзи ҳам «ал-Фақиҳ» лақабини яхши кўрар экан. Бир кун унинг тушига Пайғамбар (с.а.в.) кириб, фақиҳ деб атаган эканлар. Абу Лайснинг иккинчи лақаби «имом ал-ҳуда» бўлиб, бу лақаб билан мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий деб ҳам аталган.

***Имом Мотуридий
(870-944)***

Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари айнан 870 йилда буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг сultonи имом Бухорий ҳазратлари вафот топган йили азим Самарқанднинг Мотурид маҳалласида дунёга келади. Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса, ёшлиқ йиллари ҳақидаги муфассал бўлмаган мухтасар маълумотлар, асосан, ўрта аср муаллифлари Хатиб Бағдодий, Абдукарим Самъоний, Абул Фидо Зайниддин Қосим ибн Кутлубуға, Мухитдин Кураший, Кафавий, Абул Муъин Насафий, Тошқўпризода ва Ҳожи Халифанинг асарларида келтирилган.

Алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур Мотуридий Самарқандий бўлиб, Самарқанднинг Мотурид деб аталадиган маҳалласида туғилган. Унинг туғилган йили ҳақида ҳам манбаларда жуда кам маълумотлар келтирилган бўлиб, аксар ҳолларда 236/870 йил қайд қилинган. Аллома 333/944 йилда вафот этиб, Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилгани аниқ кўрсатилган.

Абу Мансур Мотуридийнинг калом ва фиқҳ илмлар соҳасидаги қарашлари унинг икки – “Китоб ат-Тавҳид” ва “Китоб таъвилот аҳл ас-сунна” номли асарларида баён этилган. Бу борадаги мухим маълумотлар алломанинг вафотидан кейин мотуридия таълимотига бағишилаб яратилган қатор асарларда ҳам ўз аксини топган.

***Абу Бакр Қаффол Шоший
(904-976)***

Ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби “имом” даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қаффол

Шоший ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», “улугъ” маъносини ифодалайдиган «ал-Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонганилиги боис «ал-Қаффол», яъни қулфчи, қулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний «Ал-Ансоб» («Насабнома») асарида шундай ёзади: «ал-Қаффол – қулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол Шошийнинг номи Мағрибу Машриққа ёйилган».

Шамсуддин Заҳабий эса уни нафақат Мовароуннахр, балки Хурросон олимни сифатида ҳам эътироф этади: «Аллома, луғат, усул, фикҳ имоми, Хурросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шоший Шофиъий «Катта Қаффол» номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннахрда ўз даврининг имоми бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи бўлган».

Шайх Муҳиддин Нававийнинг айтишича, агар Қаффол Шоший деб зикр қилинса, бундан мақсад ана ўша биз таниган буюк имом, Абу Бакр Қаффол Марвазий деб айтилса, унда бу зотдан кейин яшаб, фаолият кўрсатган “Кичик Қаффол” тушунилади. Шоший (“Катта Қаффол”) атамаси тафсир, ҳадис, усул, калом илмларида тақрор-тақрор зикр этилган. Аммо Марвазий (“Кичик Қаффол”) сўзи эса фиқхга таалуқли асарлардагина учрайди.

Абу Бакр Қаффол Шоший илмий меросида “Жавомиъ ал-калим” (“Ҳикматли иборалар тўплами”) асари етакчи ўрин эгаллайди. “Жавомиъ ал-калим” китоби

Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший қаламига мансуб бўлиб, унда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари тўпланган.

Қаффол Шоший “Жавомиъ ал-калим” асарларининг хусусиятларини қўл ёзмада қўйидагича таърифлайди: “Бу китобимда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари ичида эшигтганлардан мингта сўз (калима) тўпладим. Уларнинг тузилиши мураккабликдан холи, маънолари чигалликдан йироқ, пайғамбар инояти билан қўллаб-қувватланган ва тарбияланганлиги сабабли фасиҳларнинг фасоҳатидан ва балоғат аҳлининг балоғатидан устундур. Мен уларни ўзлаштириш ва эслаб қолиш мақсадида бири иккинчисининг кетидан келадиган, иснодлари олиб ташланган, сўзларнинг яқинлигига кўра бобларга бўлинган ҳолда келтирдим”.

Абу Райҳон Беруний (973-1048)

Абу Райҳон Беруний – ўрта асрларнинг буюк қомузий олими. У бир вақтнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолог, географ, ўлкашунос, биолог, медик, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, файласуф, социолог, мантиқшунос, илоҳиётчи ва шоир булган. Ўз даврида “унинг шуғулланган соҳасини санашдан кўра, шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқ эди”, дейишган. Беруний астрономияга, геодезияга, минералогияга, фармакологияга, географияга, астрологияга, топономикага, диншуносликка, тарихга оид маҳсус асарлар ёзган.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний исмининг «Абу Райҳон» қисми Райҳоннинг отаси, «Муҳаммад» мутафаккирнинг ўз исми, «ибн Аҳмад» Аҳмаднинг ўғли эканлигини англатади. Беруний эса унинг нисбасидир.

Беруний 362 йилнинг 3 зулхижжаси /973 йил 9 сентябрида Хоразмнинг қадимий пойтахти ҳисобланган

Кот (Кат) шаҳрида туғилган. Айрим манбаларда Берунийни Кот шаҳрининг ташқарисида туғилган, шу сабабли уни “Беруний”, яъни «ташқарилик» деган тахаллус билан аташган дейишади. Абу Саъд Абдулкарим Самъоний (ваф. 1165) «Насаблар китоби» асарида шундай деб ёзади: “Беруний” деган нисба Хоразм (яъни унинг пойтахти Кот шаҳри)нинг ташқари қисмига оидdir. Кимки шаҳардан ташқаридан туғилган бўлса, бундай одамни «фалончи беруний» дейдилар. Мунажжим Абу Райхон шундай нисба билан машхурдир.

Муҳаммадбобур Йўлдошев

ИЛМ ФАЗИЛАТИ

Илм инсонга тўғри йўлни кўрсатади, саодат қалитларини инъом этади, зулматлардан нурга олиб чиқади. Илм тарк этмас ҳамроҳ, мушкул пайтларда сирдош, ғамгин онларда доно маслаҳатгўйдир. Унинг фазилатлари шу қадар кўпки, инсон илм ўрганиб, унга амал қилган сари буни англаб етади.

Ҳадиси шарифда: “Дарҳақиқат, Аллоҳ, Унинг малоикалари, осмон ва ер аҳллари, ҳатто инидаги чумоли ва денгиздаги балиқлар ҳам одамларга яхшилик ўргатувчи олимларни дуо қилишади”, дейилган (*Термизий ривояти*).

Ҳакимлар илмни мисоли дуру гавҳарга ўхшатадилар. У чиганоқ орасида ётгани ёки денгиз тубига яшириниб олгани билан қимматбаҳо эмас, балки юзага чиқиб инсонларга фойда бергани билан қадрлидир.

Яна бир ҳадисда ривоят қилинадики: “Икки кишига ҳасад (ҳавас) қилиш жоиз: биринчиси – Аллоҳ таоло берган мол-дунёни ҳақ йўлга инфоқ-эҳсон қилувчи кишига; иккинчиси – Аллоҳ таоло илм берган бўлсаю, ўша илм билан хукм қилган ва уни бошқаларга ўргатган кишига”, деганлар” (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Демак, ҳавас қилишга арзигулик икки инсон бор – бири саҳий, иккинчиси олим кишидир.

Улуғ саҳобийлар, атоқли олимлар ва мутафаккирларнинг ҳам илм фазилати ҳақидаги кўплаб ривоятлари, хабар ва сўзлари келган. Қўйида шулардан айримларини келтириб ўтмоқчимиз.

Ҳазрати Али (розияллоҳу анху) бир саҳобийга: “Илм молдан яхшидир, у сени ҳимоя қиласди, молни эса сен кўриқлашга мажбурсан, илм ҳоким, мол маҳкумдир, сарфлаш, нафақа қилиш билан мол камайса, илмни тарқатганинг сайин кўпайиб боради”, деганлар.

Ҳакимлардан бири: “Агар олим киши вафот этса, унинг вафотига сувдаги балиқлару, осмондаги қушлар ҳам йиглайди, унинг жисми йўқ бўлса-да, фойдали илми ва номи унутилмайди”, деган экан.

Луқмони ҳаким ўғлига бундай насиҳат қилган экан: “Эй ўғлим, олимлар билан ўтири, улар орасига кир, чунки Аллоҳ ерни осмон суви билан тирилтиргани каби қалбларни ҳам илму ҳикмат нури билан тирилтиради”.

“Илм жоҳилликнинг акси бўлиб, у бир нарсанинг бошқа нарсалардан ажralиб турувчи белгисини билиб олишдир”, деган. Имом Фаззолий айтади: “Илм бир нарсани худди ўзидек идрок қилишдир”.

Сулеймон (алайхиссалом)га ё илмни ёки мол-дунёни танлаш ихтиёри берилади. Шунда у зот илмни тандадилар. Кейин у кишига мол-мулк ҳам ато этилди.

Ибн Муборак олимлардан бошқасини комил инсон демадилар. Чунки инсонни ҳайвондан ажратиб турдиган асосий хусусияти илмдир. Инсон нима билан шарафли бўлса, ўша нарса билан инсондир. Унинг афзаллиги жисмони қувватида эмас – зеро туюндан анча бақувватдир. Жисмнинг катталиги билан ҳам афзал эмас – зеро фил ундан каттароқдир. Афзаллик шижоат билан бўлмайди, чунки йиртқич ҳайвон ундан шижоатлироқдир. Еб-ичиш билан ҳам афзал эмас –

хўқизнинг қорни унидан каттароқ. Демак, инсон фақат илм учун яратилган.

Али (розияллоҳу анҳу) қўйидаги шеърни айтганлар:

*Илм аҳли шарафли ҳидоят истаганларга йўл кўрсатгай,
Ҳар кишининг қадри билки, қилган иши-ла ўлчангай.
Жоҳил олим душмани, лек канда қилма илм излашни,
Илм бирла умр боқий, илмизлар ҳаётдан эрта кетгай.*

Абул Асвад айтади: Илмдан азизроқ нарса йўқдир. Подшоҳлар одамларга ҳоким бўлсалар, олимлар подшоҳлар устидан ҳокимдир.

Илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғу зулматда нур бағишловчи ва заиф бандаларга куч-куватдир. Илмдан баҳраманд инсонлар баҳтли, маҳрумлар эса баҳтсиздир.

“Илм Чинда (Хитойда) бўлса ҳам уни излаб топиб, ёгаллангиз”, ҳадисига мувофиқ мусулмонлар илм ўрганишга катта ғайрат кўрсатдилар, илм йўлида олис масофаларни босиб ўтдилар, илм йўлидаги қийинчиликларга эътибор ҳам бермадилар. Натижада улар икки дунё саодатига мушарраф бўлдилар.

Фахриддин МАМАНОСИРОВ

ВАТАНГА МУҲАББАТ

“Ўз киндик қони тўкилган,
ота-боболари хоки ётган она
юртни дунёда тенгсиз, муқаддас
Ватан деб биладиган одамнинг
мақсад-муддаолари аниқ, ғуур
ва ифтихори юксак бўлади”.

Ислом Каримов

Ватан бу инсоннинг киндик қони тўкилган ер, гўдаклигидан тетапоя қилиб юришни бошлаганида унга пояндоз бўлган, бола бўлиб ўйнаб-кулиб юрганда унинг учун кенг дала, кексайганда эса паноҳ бўлган,

ҳаётий хотираларининг тирик гувоҳи, ота-боболарининг замини, фарзанду набираларининг ҳам уйи бўлган муборак бир макондир. Ватаннинг ҳар бир қаричи қалбларимизга маҳбуб. Унинг ҳавоси, суви ва мевалари биз учун азиз ва қадрли. Тарихда барча шоирлару ёзувчилар, олимлару зиёлилар Ватан туйғусини тараннум этганлар, Ватанларини мадҳ қилганлар. Лекин Ватанни севиш, унга бўлган меҳру муҳаббатини изҳор қилиш фақат ҳис-туйғулари нозик бўлган шоир халқигагина хос эмас, балки инсоният тарихида ҳатто босқинчи подшоҳлар ҳам буни ҳис қилганлар.

Табиийки, инсон қаерда дунёга келса, ўша ер унинг қадрли Ватани ҳисобланади. Киндиқ қони тўкилган жой инсон учун ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган, ҳамма нарсадан ҳам қимматли маскандир. Ватанни севиш, уни соғиниб яшаш инсоният фитратида мавжуд бўлган нозик ҳисдир. Бирор сабаб билан Ватанини ташлаб, бошқа юртларга кетган кимса энг оғир дамларида уни қўмсаб, кўз олдига келтириши ва туғилиб ўстган замини хақида бирор қайгули хабар эшитганда қалбан эзилиши ҳам Ватанга бўлган муҳаббатнинг белгисидир.

Ватан она каби азиз ва мукаррамдир. Ватан инсонга баҳт-иқбол берадиган заминдир. Абдулла Авлоний айтганидек: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўстган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўстган жойини жонидан ортиқ сурʼ... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимослар шимол тарафлар, энг совук қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда сурʼлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик (яшашга) осон ерларга ўз ватанларини ташлаб кетурлар эди».

Шайх Муҳаммад Фаззолий айтади: “Башар ўз ерига, гарчи у тақир сахро бўлса ҳам, қаттиқ боғланади. Ватанни севиш инсон руҳиятидаги асл табиатдир. Ушбу табиат ватанда яшашда ҳузур-ҳаловат, ундан

узоқ бўлганида соғинч, хужум қилинганда мудофаа ва камситилганда ғазаб ҳисларини пайдо қилади”.

Донолар айтадилар: “Кишининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўкиниб яшашидан билинади”. Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги она-Ватанни ҳимоя қилиши, тараққий топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши ҳамда халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига имкон даражада ҳисса қўшиши билан ўлчанади, албатта.

Юртимиз довругини дунёга таратган буюк аждодларимиздан, кубравия таълимоти асосчиси Нажмиддин Кубро ҳақиқий Ватан ҳимоячиси қандай бўлишининг ёрқин мисоли бўла олади. Замонасининг йирик алломаларидан, минглаб муридларга эга бўлган бу тариқат пешвоси мўғуллар бостириб кирганидан хабар топгач, биринчилардан бўлиб Ватан ҳимоясига отланади. Мўғул ҳукмдорлар Нажмиддин Кубронинг халқ орасидаги обрў-эътиборини кўриб, унга шаҳарни ташлаб, ўзи ихтиёр қилган тарафга кетишни таклиф қиласди. Ватанни ўз жонидан устун билган шайх босқинчиларга қарши жангга киради ва туғ кўтариб, лашкарни олга чорлаб бораётган ҳолатда шахид бўлади. У зот туғни шунчалар жон-жаҳди билан қаттиқ ушлаган эдики, ғанимлар шайхнинг қўлларини кесибгина байроқни олишга муваффақ бўлишади.

Тарихга назар ташласак, юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий (810–870), Имом Термизий (824/825–892), Имом Доримий (794–869) каби муҳаддислар Ислом оламида тан олинган, Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи ҳадис тўпламларини туздилар.

VIII–XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда уч мингдан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритгани ҳам мазкур даврда исломий илмлар ривожланиш даражаси ҳақида муайян тасаввур ҳосил

қилиш имконини беради. Ҳадисшунослик билан бир қаторда ўлкада фиқҳ илми ҳам ривож топди. Абу Ҳанифа илгари сурган Ислом ҳуқуқидаги эркинлик тамойиллари ўлкамиздан чиққан Шамсул аимма Сарахсий (1009–1094), Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) каби уламолар томонидан такомиллаштирилди. Имом Мотуридий (870–944) ва Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) каби олимлар ҳанафий мазҳаби асосчисининг Ислом ақидасига оид таълимотларини ривожлантириб, мукаммал ҳолатга келтирдилар.

IX–XI асрлар эса ислом таълимотининг ривожланиш даври бўлди. Бу соҳада ҳам Марказий осиёлик алломаларнинг хизматлари улкан эканини эътироф этиш зарур. Жумладан, Шарқда “Муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) номини олган Абу Наср Форобий (873–950) “Фозил одамлар шахри” асарида идеал жамият кишиларининг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғояларини тизимли асослаб берди. Юнон фалсафасини мукаммал ўрганиб, унга монанд равишда Ислом фалсафасини ривожлантирган Абу Али ибн Сино (980–1037) табиий фанлар бўйича ҳам жаҳон илми хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Абу Райхон Беруний (973–1048) “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хинди斯顿”, “Минералогия”, “Сайдана”, “Қонуни Масъудий” каби асарлари билан ижтимоий-гуманитар фанлар ва табиатшунослик илмлари ривожини юқори босқичга кўтарди.

Тарихдан маълумки, бирорта миллат бошқа бир миллатни таҳқириламоқчи ёки оёқости қилмоқчи бўлса, аввало, унинг ватанини босиб олиб, вайрон қилган ёки уни ватанидан қувиб чиқарган. Ўз ватанини душманлар қўлида қолганини кўрган миллат учун бундан ортиқ хўрлик ва азоб бўлмаса керак. Зоро, Ватан, миллат, дин тушунчалари инсон учун ҳар нарсадан азиз ва муқаддасдир.

Халқимизда “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл”, деган ҳикматли сўз ҳам бор. Ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, ўзгаларни унуглантиришадига ҳеч қачон она Ватанига, халқига садоқатли бўлолмайди.

Уламолардан бирлари айтган эди: “Ҳар бир кимсага маълумдирки, ҳаёт оламида инсоннинг энг севган, қадрли, қимматли тўрт нарсаси бордир. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўлурлар. Улар: озодлик ва эркинлик, меҳнат билан топилган молга ўзи эгалик қилмоғи, туғилиб ўстган она Ватани ҳамда асрлар бўйи асрраб-авайлаб келаётган муқаддас дини”.

Ҳакимлар айтадилар: “Кишининг вафодорлиги унинг ўз ватани учун қайғуришидан, биродарларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ўқиниб яшашидан билинади”. Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги уни Ватанини ҳимоя қилишига, тараққий топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлишига ҳамда халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига имконият даражасида ҳисса қўшишга ундаши лозим.

Бугун мамлакатимизда фарзандларимиз маънавий оламини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Албатта, бу борада оиласининг ўрни муҳим. Чунки оила қадриятлар ўчоги ҳисобланади. Эзгулик дини бўлган исломда ҳам соғлом турмуш тарзининг таянчи бўлган оила муқаддас ҳисобланиб, фарзанднинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бола навниҳол кабидир. Уни қай томонга эгса, шунга мойил бўлиб ўсади. Шу боис, болага гўзал тарбия бериб камолот сари етаклашда, уни турли салбий ташқи таъсирлардан асрашда ота-онанинг ўрни бекиёс. Зоро, ота-онанинг фарзанд неъматига бўлган шукронаси ҳам айнан унинг қандай тарбия бериши орқали намоён бўлади.

Дарҳақиқат, гўзал хулқ ила тарбияланган бола ҳаётда ақл-идрок билан иш тутади, имон-эътиқодида событ туради, эркин ва мустақил фикрлайди, ҳар хил алдовларга учмайди ҳамда ғаразли ташвиқотларга берилмайди. Демак, фарзанднинг ёшлигидан бошлаб эътиқодли, билимли, одобли ва шиҷоатли бўлиб вояга етиши учун ота-она фарзандини миллий қадриятлар асосида тарбиялаши зарур.

Айниқса, ғоялар кураши авж олган бугунги куни-мизда фарзандларимиз маънавиятига тажовуз сола-ётган таҳдидлар қаторида, динни никоб қилиб, диний қадриятларимизни оёқости қилишга уринаётган экстремистик ва миссионерлик ҳаракатларининг фаолияти жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бундай кучлар фарзандларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабих йўллардан фойдаланишга уринмоқда. Жумладан, диний таълимотларни нотўғри талқин қилиш орқали ёшларни ўз ота-оналари, оиласи ва яқинларидан узоқлаштириш, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуролли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга жўнатиб, манқуртга айлантириш каби ҳолатлар ҳам учрамоқда. Дин байроғи остида талончилик ва босқинчлилик, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этаётган, жамиятга ҳар томонлама зарар етказаётган бундай ҳаракатлар ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адсоват, миллатчилик ва диний айрмачилик кайфиятлари шаклланишига замин яратмоқда.

Умуман, исломда юрти, миллати, ота-онасига хиёнат қилиш оғир гуноҳ саналиши ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар берилган. Демак, ислом манбаларида жаннат ота-она ризолигида, оналар оёғи остида дея айтилган экан, шу йўл билан Аллоҳ ўз ризосини ота-онанинг ризосига қўйган экан, буни ҳар бир фарзанд ғанимат билмоғи керак. Зоро, ота-она қандай бўлишидан қатъи назар, фарзандлар уларни рози қилишга буюрилган.

Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар ким бурчини сидқидилдан, ихлос ва эътиқод ила бажармоғи лозим. Айниқса, Ватан ҳимояси жабхаларида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига топширилган вазифани Аллоҳ ва инсонлар ҳузуридаги улуғ масъулият деб билмоғи ва ҳарбий қасамёдни, ваъдаларини бажариши вожибdir.

Шунингдек, Ватан ҳимоясида фақат ҳарбий кишилар эмас, балки шу заминда яшаётган барча фуқаролар – ўқитувчими ёки шифокор, тадбиркорми ёхуд хизматчи, қаерда бўлмасин, ўз Ватанини ҳимоя қилиши керак. Ҳимоя қилиш деганда фақат қурол билан эмас, керак бўлса сўз билан, ғанимларга раддия бериш билан, Ватан шаънига тош отувчилар ва иғвогарларга қарши кураш йўллари билан инсон юртини, миллатини, халқини ҳимоя қилиши зарур! Бу шахснинг ҳам фуқаролик, ҳам инсоний, ҳам имоний бурчи ҳисобланади.

Муҳаммадюсуп ТЎРАҚУЛОВ

ОТА-ОНАНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ

Ота-оналарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни иззат-икром қилиш, эъзозлаш миллий қадриятларимиз ва муқаддас динимиз таълимотларида ҳам алоҳида эътибор берилиб, доимо улуғланиб келинган.

Ота-она умри давомида фарзандини ўз меҳр-муҳаббати, қалб қўри билан ёмон назарлардан асраб-авайлаб, маънавий-моддий жиҳатдан таъминлаб, жамиятга маънавий етук шахс қилиб тарбиялади. Ота-она фарзанди учун қилинган бу улкан меҳнатлари эвазига ҳеч қандай эваз талаб қilmайди. Ота-она фарзандининг камол топишида, келажакда комил инсон бўлиб вояга этишида, кўлидан келган барча имкониятларини муҳайё қилиб, дунёдаги бор яхшиликларни унга бўлишини истайди.

Уларнинг беқиёс хизматларини таърифлашда шоирнинг ҳам қалами ожиздир. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ғояси ёшлигимииздан миллий қадриятларимиз остида йўғрилиб, таълим-тарбиямизга сингдирилган. Бу ўринда фарзандларнинг ота-оналариға меҳр-мурувват кўрсатиши, эъзозлаши алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом динида ота-онага яхшилик қилиш, ҳурматларини жойига қўйиш, уларнинг ҳузурларида қалблари азият чекиб, диллари вайрон бўладиган бирон-бир ишни қилмаслик ва сўзни айтмаслик ҳамда улар муҳтож бўлганларида нафақа билан таъминлаш ибодат даражасига кўтарилилгандир.

Ота-она рози – Худо рози деган ибора бор. Демак, ота-она фарзанддан рози бўлмаса, Худо ундан рози бўлмас экан. Уларнинг хизматини қилиш, ҳурматини жойига қўйиш, кексайғанларида боқиш, кийинтириш, уларнинг олдиларида овозини кўтармаслик, вафот этганларидан сўнг ҳақларига дуо қилиш ва ҳоказо фарзандларининг бурчидир.

Имом Бухорий “ал-Адаб ал-муфрад” китобида саҳобий Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қиласи: “Қайси бир мусулмон фарзанд савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади”. “Ота-онадан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунча Аллоҳ ундан рози бўлмайди”, деди. Шунда бир киши: “Агар ота-оналар болага зулм кўрсатган бўлса-чи?”, деб сўради. “Агар улар боласига зулм кўрсатган бўлса ҳам, фарзанд уларни ранжитмаслиги керак”, деди Ибн Аббос.

Шунинг учун, Аллоҳ таолони рози қиласман деган фарзанд ота-онасини рози қилсин. Аллоҳ таолонинг ғазабидан сақланаман деган фарзанд ота-онасини ғазаблантиримасликка ҳаракат қилсин.

Имом Бухорий “ал-Адаб ал-муфрад” китобида Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қиласи: “Инсон вафот этганидан сўнг даражаси кўтарилади. Шунда у: “Эй Раббим, бу нима?”, яъни даражанинг кўтарилиши нимадан, дейди. Шунда унга: “Фарзандинг сенинг ҳаққингга истиғфор айтди”, дейди.

Имом Бухорий Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қиласи: Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Аллоҳнинг Расули, энг аввал яхшилик қилишга ким ҳақли?” деди. “Онанг”, дедилар. “Сўнгра ким?” деди. “Онанг”, дедилар. “Сўнгра ким?” деди. “Онанг”, дедилар. “Сўнгра ким?” деди. “Отанг”, дедилар.

Она шундай зотки, боласи ҳаддан зиёд дилини оғритиб, оқ бўлиш даражасига борсаю, аммо бирон дардга чалиниб қолса, ўтган барча ишларни унутади, боласини бағрига босади, унга талпинади. Чунки бола она вужудининг бир парчаси. Ҳеч қачон этни тирноқдан ажратиб бўлмайди.

Мана шу сабабларга кўра онанинг ҳурмати отадан зиёдароқ қилинди. Мураббийлар буларни болаларга тушунтиrsинлар. Токи болалар онага яхшилик қила-диган, меҳрибон ва ҳаққини адо этадиган инсонлар бўлиб улгайишсин.

Она фарзандини машаққатларга қарамай тўққиз ой қорнида кўтариб юради, туғилгандан сўнг эса кечаларини бедор ўтказиб, эмизиб, оқ ювиб, оқ тараб, уни асраб-авайлаб вояга етказади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бандаларига: “Менга ва ота-онангга шукр қил”, деб буюрди.

Сўз мулкининг сultonи ҳазрат Навоий ота-оналарни эъзозлашга буюриб шундай дейдилар:

*Бошини фидо қилғил ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға.*

Шу ўринда шоир Отабек Бақонийнинг бир мисра шеърини келтириб ўтсак:

*Ҳадис бор пайғамбар расул акрамдан,
“Оналар оёғин тагида жанннат”.
Онани шу қадар юксак қўйса ҳам,
Фарзандга хизматин қилмайди миннат.*

Бир ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг рози бўлиши ота-онанинг рози бўлишига, Унинг ғазаби ҳам ота-онанинг ғазабига боғлиқлигини келтирган.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Аллоҳнинг розилиги ота-онанинг розилигига ва Аллоҳнинг ғазаби ота-онанинг ғазабидадир” (*И мом Бухорий ривояти*).

Демак, ота-онамиз фақат дунёга келишимизнинг сабабчиси бўлиб қолмай, балки охиратда Аллоҳнинг розилигини олишга имкон берувчилар ҳамдир. Халқимизда “Ота рози – Худо рози” деган мақол бор. Бу мақол айнан шу ҳадиснинг мазмунини англатади. Ислом таълимотида ота-онани ғазабини келтириш энг катта гуноҳлардан бири ҳисобланиб, унинг даражаси уларга оқ бўлган кишининг гуноҳи билан тенглаштирилган. Фарзанднинг ота-онасига оқ бўлиши учун унга ота-онаси “оқ қилдим” дейиши шарт эмас. Ўзи тўқ бўлиб, ота-онасини оч ўтириши, уларнинг дилини оғритадиган, норози қиласиган ишларни доимо қилиши фарзанднинг ўзи билмаган ҳолда ота-онасига оқ бўлишига олиб келади.

Шоир Отабек Бақоний ёзди:

*Эй фарзанд шуни бил, эсингда сақла,
Онангни ҳурматлаб рози қил уни.
Онасин норози қилган фарзандлар
Дўзахга ўтиндир қиёмат куни.*

Кишининг ота-онаси ҳаёт бўлиб, уларга яхшилик ва яхши ниятлар ила кунни қаршилаши саодат устига яна бир саодатдир.

Ҳадиси шарифда отани чақириш, унинг ҳузурида ўтириб-туриш ва у билан бирга юришда ҳам адаб сақлаш

кераклиги уқтирилиб, шундай дейилган: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига бир киши, қари бир одам билан келди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Эй фалончи! Сен билан бирга келган бу киши ким?” – деди. У: “Отам”, деди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унинг олдидан юрма, ундан олдин ўтирма, исмини айтиб чақирма ва уни ҳеч ҳам хақорат қилма”, дедилар.

Демак, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларини ота-онасига доим эътибор қаратишни, ҳатто юришидан тортиб, ўтириб туришларида ҳам уларнинг дилига озор берувчи ишларни қилмасликка чақиргандар.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини чексиз меҳр-муҳаббат, шафқат, куч-ғайрат ва моддий имкониятларини сарфлаб уларни тарбиялайди ва таълим беради. Айниқса, мушфик оналар ёш гўдаклари вояга етгунга қадар кеча ва кундуз тинимсиз мashaққат чекадилар. Демак, ҳар бир оқил фарзанд буни яхши билиши ва англаши керак. Ўз ота-онасига нисбатан қандай бурч ва вазифалари борлигини тасаввур қилиши лозим. Фарзандларини ҳам ёшлигидан бошлаб, дунёга келишларига сабаб бўлган ота-оналари ҳақларини адо этишлари борасида тушунтириб боришлари зарур.

Фарзанд ота-онанинг розилигини олиш учун жумладан, қўйидаги амалларни бажариши зарур бўлади.

Аввало, барча ишларда ота-онадан маслаҳат олиши;

Яхши нарсаларни ўзидан аввал ота-онага тақдим этиши;

Ота-онанинг маслаҳатлари ва насиҳатларини жону дил билан қабул қилиши; (Луқмони Ҳакимдан, сиз нега ҳадеб ўғилларингизга насиҳат қилаверасиз? деб сўрашганда, “Кексаларнинг насиҳати ёшлар учун боғон ниҳолни тарбия қилган кабидир”, деб жавоб бердилар.)

Ота-онанинг рухсатисиз уларнинг хонасига кирмаслик;

Уларнинг олдида баланд овозда гапирмаслик ва “уфф” демаслик;

Ота-онадан олдин таомга қўл узатмаслик;

Ота-оналар олдиларида оёқларини чўзмаслик, ён-бошламаслик, улардан юқорида ўтирмаслик;

Фарзанд ота-онанинг кўнгилларини топиб, розилигини олиши шарт;

Ота-онанинг озиқ-овқати, кийим-кечаги ва соғлиғидан ўз вақтида хабар олиб туриш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-66-моддаларида: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” (64-модда), “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда), деб ёзилган.

Бошқа бир ҳадиси шарифда бир киши келиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан сўради: «Ота-онам вафот этдилар. Энди уларга нима қилсам, зиммамдаги ҳақларини адо этган бўламан?» Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ота-она вафот этгач, фарзандларнинг зиммаларига вожиб ишлар, аввало, уларга жаноза намози ўқиш, вақти-вақти билан дуюю истиғфорлар айтиб туриш, қилиб кетган барча васиятларини ижро этиш, уларга яқин бўлган ёру дўст, қариндошларини иззату хурмат қилиш, ота-она тарафидан бўлган қавму қариндошларга силаи раҳм бажо келтириш, қабрларини зиёрат қилиб туриш, бирорлардан қарз ёки омонат олган бўлишса, уларни эгаларига етказиш», деб жавоб қилганлар.

Ўтиб кетган ота-оналарнинг рухлари шод бўладиган амалларнинг энг улуғи улар қолдириб кетган фарзандларнинг солиҳ ва қобил бўлишлариdir. Агар фарзанд ўзини ёмон йўллардан, гуноҳ ишлардан сақлаб, рушду ҳидоят, тоат-ибодатда юрадиган бўлса, бунинг савобидан ўзи ва зурриётларигина эмас, балки ўтиб кетган ота-оналар ҳам албатта баҳраманд бўлишади.

Фарзанд зиммасида, айниқса, онанинг ҳаққи улуттадир. Чунки она фарзандини түққиз ой қорнида күтариб юради, туғилгач, бор меҳри, куч-қувватини бағишлиб, уни боқади, кечалари неча бор туриб, уни эмизади, оқ ювиб, оқ тарайди, шодлигиде севинади, ғамга ботса, баравар қайғуради, тоби қочса, бирғаликда дардини тортади, қўйинг-чи, бутун борлиғини фарзандига баҳшида қиласди. Шундай бўлгач, фарзанд бир умр она ҳаққини адо қилишга тиришса ҳам, бунинг уддасидан чиқолмайди.

Бир куни келиб кечагина навқиронлик ва бақувватликдан масрур юрган ота кексайиб, қадди дол бўлади. Соғлиғидан путур, кўзларидан нур кетади, ҳар ишда бошқалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Ҳаёт қонунига кўра, кечаги ожиз ва нотавон фарзанд бугун улғайиб, куч-қувватга тўлади, ақли, фикри, иқтидори юксалади. Ана шундай пайтларда фарзандлар оталаридан инсонлик қарзларини узишлари, яъни чиройли муомала қилишлари, улар шаънига доғ туширмайдиган, муносиб инсонлар бўлишлари, қўлларидан келганича ёрдам беришлари керак бўлади.

Аммо айрим ёшларимиз бу илоҳий амрни унутиб қўйишмоқда. Яшириб нима қилайлик, орамизда оталарига қўпол, ёмон муомалада бўладиганлар, илтимосларини бажаришни «эсдан чиқариб» қўядиганлар ҳам бор. Уларнинг дилини оғритадиган, ўзининг ёмон хулқи билан эл орасида отасини шарманда қиласдиган, отага ҳатто қўл кўтаришгача борадиган нобакор фарзандлар ҳам учраб туриши сир эмас. Энг ачинарлиси, баъзи ноқобил ўғил-қизлар бойлик ва имкониятлари бўлгани ҳолда, оталари кексайиб, мадад ва далдага муҳтож бўлиб қолганларида уларни эъзозлаб парваришлиш ўрнига ё қаровсиз ташлаб қўйишади, ё қариялар уйига жўнатишади. Афсуски, яна шундай тоифалар пайдо бўлдики, гўёки “хижрат” қилиш даъвосида ота-онасидан воз кечиб, мутлақо

бегона, насл-насаби номаълум шахсларга эришиб, оқибатда уруш кетаётган хорижий мамлакатларда хорзор, саргардон бўлмоқда. Аллоҳ баъзи ёшларимизни бундай алдовлардан, адашганлардан асрасин. Айрим ноқобил фарзандлар кексайган оталарининг хонадонга келтирадиган баракотларидан манфаатланиш, дуоларини олиш ўрнига, аксинча, дийдорига зор қилиб, хўрлашади.

Солих аждодларимиз оталарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда, уларни рози қилиб, фарзандлик бурчларини шараф билан ўташда авлодларга ибрат ва намуна бўлишган.

Мамлакатимизнинг тараққиёти ёшларимизга боғлиқ экан, уларнинг маънавиятини юксалтириш учун миллий ва диний қадриятларимизни улар онгидага тўғри сингдиришимиз, муқаддас динимиз таълимотларида инсон учун азиз бўлган зотлар – ота-оналарни эъзозлашга, тарғиб ва кўрсатмаларни ёшларимиз онгидага мустаҳкамлаш келажак авлодларга шарқона маданиятни асраб-авайлаб етказишимизда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Соатмурод ПРИМОВ

КАСБ-ХУНАРЛИ БЎЛИШ ФАЗИЛАТИ

Инсон ўз ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-бош, туарар-жой таъминотини қадим-қадимдан йўлга қўйиб келган. Шулар жумласига тижорат, зироат, чорвачилик, турли фойдали касб-хунар ва тадбиркорлик ҳам киради. Ота-боболаримизнинг ер-мулқ, касб-хунарга эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ҳалол ишбилармон кишиларни қадрлаш анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижаатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд

кишидан афзалдир”, деган ибратли сўзларини эслаш кифоя.

Юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан бўён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу хунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин. Аждодларимиз азалдан илм ва касб-хунар ўрганишга ҳамда уни ёш авлодга болалигига ёк ўргатишга жамият тараққиёти ва устоз-шогирд анъаналарининг узвийлигини таъминловчи омиллардан бири сифатида катта эътибор бериб келган.

Маълумки, ҳар қандай касбни пухта эгаллаш, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун ана шу касбга тааллуқли илмни мукаммал эгалламоқ керак. Ўз касбига муҳаббати бор инсон меҳнатдан чарчамайди, балки у роҳатланади. Меҳнатнинг самарасини кўрганда барча чарчоқларини унутади. Касби туфайли атрофдагиларга ёрдами тегса, инсон ўзини баҳтли деб ҳисоблайди. Нафақат шунинг ўзи, балки Аллоҳ таоло томонидан улуғ ажру хасанотлар берилишига муносиб эканини ҳис қилиш билан руҳияти енгил тортади, имони қувват олади.

Барча пайғамбарларнинг ўз касб-корлари бўлган. Масалан, Нух (алайҳиссалом) дурадгорлик, Иброҳим (алайҳиссалом) баззозлик, Довуд (алайҳиссалом) темирчилик, Сулаймон (алайҳиссалом) хурмо дарахти навдаларидан сават тўқиши, Закариё (алайҳиссалом) дурадгорлик, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чўпонлик ва савдогарлик касби билан машғул бўлишган.

*Касбингдан бўлади оила обод,
Ризқинг муҳайёдур, ота-она шод.
Касбингдан эл-юрт олади фойда,
Ранжинг, умринг кетмас бекор-бефойда.*

*Эй фарзанд, ҳамиша ҳунарга интил,
Шам каби эл учун ёнарга интил.
Одамлар ҳожатин чиқар ҳар онда,
Оғирин енгил қил барча замонда.*

Динимиз ялқовлик, бокимандалик каби иллатларни қатъий қоралаб, инсонларни ҳалол ризқ топиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш ва ўз меҳнати билан ҳаёт кечиришга чақиради.

*Эй фарзанд, яхшидур барча касбу кор,
Бекорчидан, билсанг, Худо ҳам безор.*

*Бекордан оила хароб бўлади,
Ҳаёти бефойда сароб бўлади.*

*Касбу ҳунар сенга доим бўлсин ёр,
Сен билан элу юрт қўлсин ифтихор.*

Инсон ризқ топиш учун бирор ҳунарни эгаллаши мустаҳбадир. Инсон дунё ҳаётини покиза ўтказиши, ифратини сақлаши, бошқаларга қарам бўлиб қолмаслиги учун меҳнат билан шуғулланиши, иложи бўлса, бирор касб-ҳунар эгаси бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Шунда унинг қадри баланд, шаъни улуғ, ҳаёти ибратли, сўзи эътиборли бўлади.

Қадим ўтган алломаларимиз, шайхлар ҳам бирор ҳунар билан банд бўлганлар. Ҳалол тирикчилик орқали ҳаёт кечирганлар. Шайх Баҳоуддин – нақшбандлик (матога безак уриш) ҳунари билан, шайх Иброҳим Ожуррий – гишт қуювчи, Абу Сайд Ҳарроуз – этикчи, шайх Муҳаммад Саккон – пичоқчи, шайх Абу Ҳафз Ҳаддод – темирчи, шайх Абулҳасан – дурадгорлик ҳунарлари билан шуғулланганлар. Мана шу каби ишлар бугунги кун атамаси билан айтганда тадбиркорлик эмасми? Бундай тарихий далиллар ёшларимизнинг касб-ҳунар эгаллашларига туртки бўлиши, улар маънавиятига таъсир ўтказиб, меҳнатга илҳомлантиради.

Мовароуннахр ва Хурсонда нақшбандия асосчиларидан Баҳовуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Нақшбандий (1318–1389)нинг Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий каби шогирдлари, Саъдиддин Қошғарий, Шайх Аттор Самарқандий, Хожа Аҳрор Валий каби намоёндалари ҳам ўз асарларида ва сұхбатларида одамларни эл-юрг билан бирга бўлиш, фойдали меҳнат ва бирор-бир ҳунар билан шуғулланишга даъват этганлар, фақирларга ғамхўр бўлишни уқтирганлар.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлганидек, мустақил диёримизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлари янада жадаллашиб, тараққиёт йўлига ўтмоқда. Зарур ҳуқуқий қонун-қоидалар тизими вужудга келтирилмоқда. Дарҳақиқат, азалдан меҳнатсевар ҳалқимиз тадбиркорликка кирувчи касб-ҳунар, дўкондорлик, зироат ва тижорат каби касблар билан шуғулланиб, ҳалол йўллар орқали оиласини боқдан, рўзгорини тебратган. Маълумки, юртимизда қадим-қадимдан инсофли, дин-диёнатли, муруватли, етим-есир, ёлғиз кишилар ахволидан доимо хабардор, бетобларни кўришга борувчи сахий ва олийхиммат, давлатмандлар, тижоратчилар, дўкондорлар бўлишган. Улар Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг: “Кўлинг ишда бўлсин, қалбинг Аллоҳда!”, деган шиорига мувофиқ иш тутишган. Энг улуғ зотлар саналмиш пайғамбарлар ҳам ўз ризқларини ҳалол пешона терлари билан топғанлари, яъни касб-ҳунар билан шуғулланганлари инсоният учун буюк ибратдир. Улар ризқ Аллоҳданлигини билган ҳолларида ҳам ҳунарсиз ўтирмадилар.

Болаларимиз ҳам илмли, ҳам ҳунарли бўлишлари учун 12 йиллик таълим йўлга кўйилди, ҳатто энг чекка қишлоқларимизда ҳам касб-ҳунар колледжлари очилди. Бугунги кунга келиб амалга оширган бу эзгу ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Ёш фарзандларимиз биринкетин ўzlари танлаган касблари, соҳаларида катта лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Колледжларни

битирган бу ёшларимиз учун катта имкониятлар берилмоқда ва улар учун ишонч билдирилиб, бир мунча имтиёзли кредитлар берилмоқда. Афсуслар бўлсинки, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бу ёшларимиз ичида ҳам дарсларга келмайдиган, берилаётган имкониятларни қадрига етмай, умрини беҳуда совураётган, ўз вақтида ўқимасдан, бирор ҳунарни бошини ушламасдан бир амаллаб коллекни битиргач ўзга юртларга ишлагани кетиб, ўша жойларда хор-зор бўлаётган ва ҳатто турли оқимларга қўшилиб кетаётганларни кўргандা ёки эшигдана аттанглар қиласиз. Бу муаммонинг бир тарафи, иккинчи тарафи эса коллеж битириувчиларини ишга таклиф этилса, улар ойлиги кам, шароити яхши эмас қабилидаги баҳона ва турли гаплар билан меҳнатга бўлган ўз муносабат ва дангасаликларини намойиш қилмоқдалар. Бу вазиятларга рўбарў бўлган катталаримиз улардаги бу камчиликларни бири дангасаликка йўйса, бошқа бири молу дунёга ўчликка йўйади, яна бошқа бири эса оиласидаги муҳитни носоғломлигидан деб баҳолайди. Уларнинг барчасини гапида жон бордир, лекин бизнингча, ҳозирги кунда долзарб бўлган, уларга берилаётган маънавиятимиз кам эканлиги алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатдир. Ахир бизнинг ота-боболаримиз бундай дангаса ёҳуд дунёпааст эмас эди-ку. Улар юритига, миллатига фидойи, ҳалқпарвар бўлишган. Улар деярли барча илмларда, шунингдек, касбу ҳунарларда оламшумул ютуқларга эришганлиги юртимиздан ташқаридағиларга ҳам ойдек маълум. Ёшларимиз улардек ўйласа ҳар бир масалага улардек ёндашадиган бўлса, албатта, улардек юксак маънавиятга эришадилар ҳамда улардек улкан ютуқларни қўлга киритадилар. Бу буюк бобокалонларимиз касб, ҳалоллик, тўғрилик, садоқат, ватанпарварлик, таълим, тарбия хусусида кўплаб тавсиялар бериб кетганлар. Кўйида уларнинг баъзилариға тўхталиб ўтамиз. Буюк фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳматуллоҳи алайх) ўзларининг “Тан-

беҳул ғофилин” яъни “Ғофилларга танбех” китобида шундай ёзадилар:

“Довуд (алайҳиссалом) ўзини танитмасдан мамлакатини кезар ва учраган одамдан: Довуд (алайҳиссалом) қандай одам, деб ўзи ҳақида унинг фикрини суриштирап эди. Шунда Жаброил (алайҳиссалом) одам суратида у зотга рӯбарў бўлди ва “Довуд (алайҳиссалом) агар бир камчилигини айтилмаса, жуда яхши одам”, деди. Довуд (алайҳиссалом) дарҳол бу қандай камчилик эканлигини сўради. Унинг ҳалол бир касб билан шуғулланмаслигини айтди. Довуд (алайҳиссалом) қайтиб келгач, йиғлади ва Парвардигордан бир ҳунар ўргатишини илтижо қилди. Яратган у зотга темирчиликни ўргатди”.

Шу билан Довуд (алайҳиссалом) қачон салтанат ва ўз юмушларидан бўшаб имкон топса, дарҳол темирчилик қилиб зирҳли кийим тайёрлар ва шуни сотиб, ҳалол касбдан тирикчилик қилардилар.

Демак, инсон ким бўлган тақдирда ҳам, албатта бирор касб билан шуғулланиши шарт. Шунинг учун ҳам “Йигит кишига қирқ ҳунар оз”, дейди доно ҳалқимиз. Ўтмиш улуғ устозларимиз бирор касб билан машғул бўлмай бекорчи бўлиб юрганларни бир ўринда уйда ўтирган аёлга ўхшатса, бошқа бир ўринда на оиласига, на маҳалла, эл-яртига, на ўзига фойдаси тегмай бекорчилик билан юрганларни ўликка ўхшатганлар. Дарҳақиқат, ҳозир аёллар ҳам уйда ўтириб бўлса ҳам бир иш билан машғулдирлар. Дарҳақиқат, ҳақиқий инсон ўзига ҳам, оиласига ҳам, юргита ҳам барчага фойда келтириш билан машғул бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифларда: “Инсонларнинг энг яхиси бошқаларга манфаати тегадиганлариидир”, дейилган. Японлар эса фарзандларига жуда кичиклик вақтларидан “Сен улғайгач, Япония тараққиёти учун бир иш қилишинг, мамлакатимиз довруғини янада кўтаришинг керак” деб уқтирас экан. Шу ўринда бир нарсани ҳам унутмаслик керакки, ёшлар тугул, ҳатто баъзи катталаримиз ҳам ибодат деганда фақат маҳсус

ибодатларни кўз олдиларига келтирадилар. Ибодат эса аслида шоиримиз Мирзо Кенжабек айтганлариdek:

*“Тамал – иймону ихлосдир, Бу қуллик бандага хосдир,
Худо деб қилганинг ҳар иши Ва ният ҳам ибодатдир.”*

Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда шундай келтирилган: “Пайғамбаримиз бир куни катта саҳобийлар билан турган эдилар. Шунда олдиларидан бир йигит ўз юмуши билан ўтиб қолди. Саҳобийлар “шу йигит шу ёшлигини, қувватини Аллоҳ учун (ибодатга) сарфлаганда қандай яхши эди”, дедилар. Бу гапларга жавобан Пайғамбаримиз бу йигит ота-онасининг хизматида юрган бўлса, ёки оиласини, ёш болаларини боқиб тарбия қилиш, тирикчилиги учун юрган бўлса, ёхуд инсонларга оғири тушмаслик учун ўз иши билан (айтайлик, бирор касб қилиб) юрган бўлса, буларнинг барчасида Аллоҳ йўлида (ибодатда) юрган бўлади, магар ўзини кўз-кўз қилиб, ёки риё учун юрган бўлса, унда у шайтоний йўлда юрган бўлишини айтганлар”. Демак, инсон ёшлигини ота-онасини хизматида ёки оила ва фарзандларини таълим ва тарбияси, уларга ҳалолдан едириб-ичириш, уларни жамият учун керакли шахс қилиб тарбиялаш ҳаракатида ёхуд бекорчи бўлмасдан бирор бандлик билан машғул бўлиши керак экан. Ана шунда буларнинг барчаси ибодатга ўтар экан. Аксинча, агар танбаллик, ошиқча дабдаба, манмансираш билан, куруқдан-куруқ фахрланиш билан ҳаётини ўтказиш катта хато бўлар экан. Шунингдек, ҳадиси шарифларда ўзи соғлом бўлиб туриб, ҳеч қандай юмуш билан шуғулланмай бекор юрувчиларни Парвардигор ёқтирмаслиги айтилган. Ҳар бир касб эгаси ўз касбида ҳалол-ҳаромини ажратиб, соғ эътиқод ва ният пок билан ишлаши, яъни аввало шу касби билан инсонларга фойда келтиришни, шунингдек, оиласи нафақасини ҳалол ризқ билан таъминлашни қасд қилиши керак. Шунинг учун ҳам ҳукамолар айтадилар: “Тижорат (ёки бирор бошқа касб) қилгувчи инсонда куйидаги уч сифат топилмаса, албатта у зарар қиласди.

Аввало тили ёлғон, ноўрин ва бефойда сўзлар ҳамда ёлғон қасамдан тийилиши керак.

Қалби ҳам ҳасад, хиёнат, турли шу каби ғиллу ғашлар (ичикораликлар)дан пок бўлсин.

Охиратда ҳам, дунёда ҳам юзи ёруғ бўладиган ишлар билан машғул бўлсин.

Бу ҳикматлардан маълум бўладики, касбдан мақсад шуҳрат орттириш ёки бойлик тўплаш бўлмаслиги керак. Агар шундай бўлса, жамиятга бундай мутахассислар катта талофат етказади.

Ўтмиш аждодларимиз қуйидаги 4 нарсага алоҳида эътибор қаратганлар.

1) Касб ва тирикчилик ҳам ўз меъёри асосида олиб борилиши керак, яъни инсон ҳамма ҳолатда ҳам ўзлигини, ўз инсоний қиёфасини йўқотмасин.

2) Қайси соҳада бўлса ҳам фаолият олиб бораётган касб ёки хунари сабабидан ҳеч кимга оғирлиги тушмасин, шунингдек, зарари тегмасин. Ишини деб бошқа бурч ва масъулиятларини унтиб қўймасин. Баъзида “иш одамлари” дейиладиган ўз ишига муккасидан кетган одамлар бўлади. Уларни на оиласи, на ота-онасини ҳолати, на фарзандларининг тарбияси қизиқтиради. Атрофидаги, маҳалла-кўйдаги ишлардан, нима ўзгаришлар бўлаётганидан буткул бехабар бўладилар.

3) Иш экан деб, соғлигини ҳам хатарга қўйиш керак эмас. Ўз ишида тўғри ва ҳалол бўлиш лозим. Ишнинг вақтинча эканлигини унутмаслик керак. Бу вазифага мен масъулман, қўлимдан келганича сидқидил билан ишлашим керак деган андишада, фикрда фаолият олиб бориш лозим. Бу услубда иш олиб борган ходим турли назоратчи ва текширувчилардан чўчимайди. Ўз фаолиятида турли кўзбўямачилик ҳамда порахўрликларга йўл қўймайди. Агар бўшаса ҳам, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Кейин ҳам виждон азоби уни қийнамайди.

Муҳаммадюсуф ТЎРАҚУЛОВ

РОСТГҮЙ ОДАМ ЮТҚАЗМАЙДИ

Сиз неча йил умр кечирдингиз? Ҳаётингизнинг қанча қисми одамлар билан мулоқотда ўтди, яна қанчаси овқатланишда, уйқуда кечди? Неча марта ёлғон гапирдингиз, неча марта ўз-ўзингизни, ота-онангизни, умуман, сиз билан сұхбатда бўлган, сиздан бирор саволнинг жавобини сўраган одамларни алдадингиз? Бирор марта ростгүй бўлишнинг фойдалари ва ёлғончиликнинг заарларини ҳис қилдингизми? Ёлғон гапириб, бу алдовингиз фош бўлганида мулзам бўлиб қолмаганмисиз?

Агар шу саволларимизга: «Мен бирор марта ҳам ёлғон гапирмаганман, мен фақатгина дўстларим ўртасини ислоҳ қилиш учун уларни алдаганман, мен фақат бир инсон ҳаётини сақлаш учун ёлғончилик қилганман», деб жавоб беролсангиз, демак, мўмин экансиз, демак, тўғри тарбия олган экансиз.

Кимки қалбини имон учун холис ва соғлом, тилини ростгүй, ўзини хотиржам, хулқини тўғри, қулоғини тингловчи, кўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак, у баҳтлидир.

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдан-синг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Гапларнинг ёмони бу ёлғончиликдир, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўймасин! Ростгўйлик эзгулика бошлайди, эзгулик эса жаннатга, ёлғончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга ёмон баҳо берадилар. Ростгўй одам чин сўзи билан бориб-бориб, Аллоҳ хузурида сиддиқ (сўзида содик) деб ёзиб қўйилади. Ёлғончи ҳам бориб-бориб Унинг хузурида кazzоб (ёлғончи) деб ёзиб қўйилади.

Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда

кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлғондан сақланинглар. Чунки бари бир ёлғоннинг охири вой.

Тўғрисини айтиш керак, ростгўй бўламан, деб қанчалик уринманг, барибир ёлғон гапириб қўйганингизни билмай қоласиз. Сабаби, вазият, ҳолатлар сизни шунга мажбур қилиб қўяди. Ҳеч ким мен ота-онамдан ёмон тарбия олганман, улар мени ўғри-каззоб, ёлғончи-фирибгар бўлсин, деб тарбиялаган, дея айта олмайди.

Аммо катталарнинг ўзлари гоҳо «ёмон бўладиган» ишларни бажараверадилар. Уйда бир даста пул турса ҳам, қўшни ёки қариндош-уруғ сўраб қолса, «Йўқ, ўзимиз ҳам фалончидан фалон сўм олиб келдик» дейишади, қўшни аёл тўрт донагина картошка сўраб чиқса, «кеча охиргисини овқатга солгандим, бугун дадаси олиб келиб қолар», дейди. Шундай муҳитда вояга етганингиздан кейин қандай қилиб тилингиз алдовга буралиб кетмайди?!

Эй фарзандим, агар сен дўстингдан янги олган кийимининг нархини сўрасанг ва у сенга сотиб олган нархини тўғри айтса, у тўғрисўздир. Агар унинг нархига озгина бўлса ҳам қўшиб айтса, у ёлғончидир.

Агар сенга дўстинг ваъда қилиб, ваъдасида қатъий турса, у ваъдасига содикдир. Агар ваъдасида қатъий турмаса, у ёлғончидир.

Агар устоз бир ўқувчига уйда масала ечиб келишни топширса, у дангасалик қилиб, бошқа ўқувчининг дафтаридан масала жавобини кўчириб олса ва устозига масалани ўзим ечдим деса, у ёлғончидир. Агар мактаб директори бир ўқувчини гувоҳлик бериш учун чақирса ва у қадрдон дўстининг зарарига бўлса ҳам, ҳақни айтса, у тўғрисўздир. Агар гувоҳлик беришда бирон нарсани қўшса ёки камайтиrsa, у ёлғончидир.

Мана шу мисоллардан кўраяпсанки, тўғрилик сўз ёки амалнинг ҳақиқатга тўғри келишидир. Сен мактабга бормаслик учун ёлғондан ўзингни касал қилиб кўрсатишинг ёки билмайдиган нарсанг ҳақида хабар

беришинг ёки ёлғон гапираётганини билатуриб, бирорвнинг ёлғон гапиришига индамай қараб туришинг... буларнинг барчаси ёлғончиликдир.

Тўғри сўзлаш фойдаларидан бири шуки, рост сўзлаган инсон одамлар муҳаббатини ва ишончини қозонади. Шунинг учун ростгўй ўқувчини ота-онаси ҳам, устозлари ҳам яхши кўради.

Одамлар ростгўй тижоратчи билан олди-сотди қилишни афзал кўришади. Тўғрисўз хунарманднинг олдига борадилар ва унинг номи машҳур бўлиб кетади. Агар ростгўйлик бўлмагандан, халқларнинг аҳволи бузилиб кетиб, тарих, жўғрофия ва шунга ўхшаш китобларда етиб келган хабарларга ишонч йўқолган бўлар эди.

Ростгўйлик инсонни омонат, очиқлик ва ваъдага вафо қилиш каби кўп фазилатлар билан сифатланишга чақиради. Барча эзгуликларнинг, хайрли ишларнинг боши ҳалолликдир десак, янгишмасак керак. Ҳалолликнинг ўзи каби дўстлари кўп: яхшилик, барака, хотиржамлик, осойишталик... Дунёни гўзаликдан ҳам олдин ҳалоллик қуткаради... Ибрат кўзи билан боқсангиз, ҳалол инсоннинг дили, йўли тўғри, даражаси улуғ.

«Ҳалол бўлсанг, яшай олмайсан» каби пуч гаплар оғзига кучи етмаган, бўйни меҳнатга ёр бермайдиган маҳмадоналарнинг чала хulosаси эканини ҳётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳалол луқма томоғингизга тиқилмайди, жигилдонни қайнатмайди, уйқунгизни қочирмайди. Ҳар нарсанинг ҳалоли бўлсин, деб бежиз айтишмайди.

Ростгўй киши бошқаларнинг қалбидан чиқадиган нарсага эътибор бермайдиган ва заррача яхшилигидан инсонлар огоҳ бўлишини ёқтирмайдиган ҳамда ёмон амалларидан инсонлар хабардор бўлишини карих кўрадиган кишидир.

Ёлғончиликдан четланиб, ростгүйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

Ёлғончилик инсонни пасткашликка ундейди, пасткашлик эса жиноят сари етаклади, ёлғончилик энг разил хислатларнинг ҳам қабиҳроғи бўлиб, ундан қутулиб қолмасанг, маломати хор қиласди, орияти завол қиласди, заҳари ўлдиради, ёмонлиги бўйнингни эгади. Ростгүйлик отига минмагунингча унинг касофатидан қутула олмайсан!

Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, таклиф этилмаса ҳам, ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учинчиси, бирор эшитишни истамаса ҳам, гапираверадиган киши!

Ёлғончи ўзининг манфаати учун кўрмаган нарсасини “кўрдим” дейди, ишининг оқибати ҳақида ўйламайди. Эй инсон! Сен бирор нарса ҳақида хабар бермоқчи бўлсанг, аввало ўйла, шошилма, кўрганларингнинг айнан ўзини баён қил, ўз мақсадингни назарга олган ҳолда ортиқча сўзларни кўшма, шубҳали нарсаларни ростдек қилиб гапирма. Оқибат натижада ҳеч кимга зарар тушмаса ҳам, сен зарарга тушасан, одамлар ичида обрўйинг кетади, ҳеч ким сенга ишонмай қўяди, хору зор бўласан.

Ростгүйлик ва ёлғончилик ҳақида мақоллар

Бошингга қилич келса ҳам, тўғри сўзла.

* * *

Ёлғон айтган кишининг, хатари бор ишининг.

* * *

Ёлғон гапириб яшагандан, рост гапириб ўлган яхши.

* * *

Ёлғон ёндирап, ҳақиқат қондирап.

* * *

Ёлғон ростдан енгилар, тўғри элда танилар.

* * *

Ёлғон узоққа кетса ҳам, ҳақиқат қувиб етар.

* * *

Ёлғон уялтирас, рост суюнтирас.

Муҳаммадназар ҚАЮМОВ

ЁМОН АХЛОҚДАН УЗОҚ БЎЛАЙЛИК

Ислом дини таълимотларида яхши, гўзал ахлоқнинг энг муҳим тушунчалари таърифланиб, уларга амал қилишга чақирилади. Булар – эҳсон (яхшилик қилиш), кечиримли бўлиш, сабр-қаноат, ростгўйлик, шириңсўзлик, ота-онани, ўзидан катта ёшлиларни хурмат қилиш, ор-номус, садоқат ва бошқалардир. Куръони каримда тўғри йўлда юришлик истиқомат (ўзини ўзи ислоҳ қилиш) тушунчасида ифодаланган. Истиқомат гуноҳ ишларни қилиб қўйганлар учун қалбини поклаш сари умид туғдиради ва уларни ноумидликдан қутқариб, янги, саодатли ҳаётга чорлайди.

Айни вақтда ёмон хулқ-атвор тушунчаларининг моҳияти ҳам кўрсатилиб, улардан сақланишга ундейди. Булар – баҳиллик, ҳасад, таъма, ёлғончилик, такаббурлик (кибру ҳаво), гийбат. Кимки жисмоний ва маънавий пок, тақволи бўлса, у ахлоқсизлик йўлига кирмайди. Шу тарзда инсониятнинг бутун амалий фаолияти яхшилик ва ёмонликка ажратиласди. Мусулмонлар бир-бирларини яхшилик ва олижаноб ахлоққа чақиришлари, ножӯя ишлардан қайтаришлари фарз қилинган. Ислом ахлоқининг асосида ҳалоллик ва тақво ётади.

Энг ёмон иллатлардан бири – ичкилиkbозлик сабабли юз берган кулфатлар, фожиалар тўғрисида ўтмишда ҳам,

буугунги кунда ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ичкилик нафақат оддий одамлар, қанча истеъододлар, давлат ва жамиятлар мағлубиятига сабаб бўлган. Афсуски, бугун ҳам ичкиликбозлик оиласарга нотинчлик, мусибат ва ғам олиб кирмоқда. Ёш йигитларнинг умрини хазон этмоқда. Жиноятларнинг аксарияти ҳам ичкиликбозлик ортидан содир этилиши исботини топган. Шунингдек, йўл транспорт ҳодисаларида ичкиликнинг «ҳиссаси» ҳар доим салмоқли бўлиб келган. Маст ҳолатда автомобилни бошқариш оқибатида юз берган бундай жиноятларга мисоллар оз эмас. Ташвиш билан қайд этиш лозимки, спиртли ичимлик истеъмолчиларининг ўртача ёши пасайиб бормоқда. Ёшлар орасида ҳам спиртли ичимликларга ружу қўйганлар борлигига бефарқ қараб бўлмайди.

Албатта, улар бу борада катталардан нусха олишади. Психологлар болада ўзидан ёши катталарга кўр-кўронга тақлид қилиш хусусияти кучли экани, шунинг учун бола ўсаётган мухит унинг тарбиясида мухим ўрин тутишини кўп бор таъкидлашган. Халқимиз «Куш уясида кўрганини қиласи» дейиши бежиз эмас. Орамизда шундайлар ҳам бор, топган пулига ичкилик олиб кўчада совуради, фарзандига бир дона китоб олиб бермайди. Барча тамаддихоналарни изғиб чиққан, лекин ўғли ўқийдиган мактаб қаердалигини билмайди. Ароқни ёрлиғидан танийди, боласи кундалигини бир марта ҳам вараклаб кўрмайди...

Уйида ичкиликнинг турли хиллари бор, аммо ўқишга бир дона газета ёки бадиий адабиёт йўқ. Тадқиқотларга қараганда, дастлабки қадаҳ қанчалик ёшлиқда ичилса, унинг оқибати шунчалик оғир ва аянчли бўлади. 14-16 ёшли ўсмир ичган бир қадаҳ катта ёшли одамнинг бир шиша ароқ ичганидан кучлироқ таъсир кучига эга. Ер юзида 100 та ўз жонига қасд қилганларнинг ярмисини ичкиликбозлар ташкил қиласа, уларнинг аксарияти ёшлар экан — нақадар ачинарли маълумот.

Мунтазам ичкилик жисмоний дармонсизлик ва карахтиликка олиб келади, иш қобилияти ва иродани сусайтиради. Иродасизлик эса мутеълик ва қарамликини пайдо қиласи. Иродасиз одамни ҳар нарсага етаклаш мумкин. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жой номлари билан номланган ичимликлар ҳам талайгина. Жой номи – муқаддас, Ватаннинг бир парчаси, муҳим бир бўлаги, аждодлар билан бизни боғлаб турувчи кўприк. Номлар бу – тарбия учун муҳим улар – қадриятдир. Уларда аждодлар қадр-қиммати, маънавияти ётибди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг қўйидаги ўгитлари эсга тушади: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бир томчи бўлса ҳам шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни ман этдим. Зеро, шароб бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим».

Агар ҳамма шу ўгитларга амал қилганда эди, соғлом фарзандлар вояга етарди, олам бундан ҳам гўзалроқ бўларди, дунё тамаддуни бир маромда тараққий этарди. Бу тарихий маълумотлар ичкилик деган касофат одамлар турмуш тарзини кўпдан заҳарлаб келганига, комил инсонлар бу заҳри қотилни йўқотиш учун тинмай курашганига далолатдир.

Ўспириинлик – нозик давр. Бу давр ўсмиirlар организмида психофизиологик ўзгаришлар, биокимёвий жараёнлар жадаллашган йиллар бўлади. Бирдан улгайиб қолаётган ўғил-қизлар ўтиш даврида ўз организмида содир бўлаётган ўзгаришлар олдида бироз шошиб қолишади. Чунда уларга катталар ёрдами зарур. Айниқса, ота-она бу борада фарзандининг энг яқин сирдош дўстига айланиши зарур. У билан очиқчасига суҳбатлашиб, кўнглига йўл топишнинг иложи бўлмаса, ота-она ўсмир ўғил-қизига ўспириинлик даври хусусида тиббий қўлланмалар тавсия этгани маъқул. Мактабда эса психолог ёки синф раҳбари (ўқитувчилар) ўз жинси вакиллари билан алоҳида-алоҳида суҳбат қуриши шарт. Ўтиш даврида ўсмир йигит-қизлар ўз

организмида кечәётган жараёнлар хусусида ишонган ва ўзига яқин олган катталардан керакли ёрдам ва маълумотни олмасалар, уларга кўчадаги бегоналар ёрдам қўлини чўзади. Аммо бу «бегараз ёрдамчилар» баъзан ўсмирларни тезроқ катталар оламига ошно этиш учун сигареталар, баъзан ундан ҳам баттари мияни заҳарловчи захри қотил – гиёхванд моддалар, хумор қилувчи воситалардан фойдаланиши мумкин. Ўз вақтида фарзандига эътибор берган ота-она уни кўчанинг ёмон таъсиридан асраб қолиши мумкин.

Чекувчи инсонларнинг ўпкаси кичрайиб, бужмайиб, зич ҳолатда қорайиб, қотиб қолади ва бу икки аъзо ўз вазифасини адо этолмай қолади. Чекувчи одамнинг руҳий ҳолатига ҳеч эътибор берганмисиз?! У хумор тутган пайти асабийлаша бошлайди. Кўллари титраб, оёқ-қўлларининг доимо совук қотиши ва боши айланнишидан шикоят қиласиди. Ранги рўйи баъзан эса заҳил ёки носоғлом, тўқ қорамтири туслади. Чунки тамаки тутунида шу қадар кўп заҳарли моддалар борки, у нафақат чекувчининг, балки унинг атрофида ўтирган одамларнинг ҳам соғлиғига жиддий зарар етказади. Сабаби, тамаки тутуни таркибидағи 300 дан зиёд заҳарли модда инсон организми бир меъёрда фаолият юритишига тўскенилик қиласиди.

Томир уриши тезлашади. Ўткир юрак, қон-томир етишмовчилиги юзага келиб, юрак тўхтаб қолиши мумкин. Бундай кашандалар билан ёнма-ён ишловчи ёки яшовчи одамлар ҳам пассив чекувчилар ҳисобланишади. Ўсмир йигитлар айни «ўтиш даври»да организми жадал фаолият юритаётган ва унга кўпроқ никотин эмас, балки мева-сабзавотлар истеъмол қилиш зарурлигини билармикан? Очиқ ҳаводаги сайд, спорт билан шуғулланиш, ўз вақтида ухлаш, тўғри овқатлашиш, кун тартибига қатъий амал қилиш саломатлик гаровидир. Соғлом инсон эса узоқ умр кўради. Оиласи ва яқинлари корига яраб, жамият тараққиёти, она Ватан равнақи учун муносиб ҳисса қўшади.

Сўнгги юз йил давомида гиёхвандлик инсоният учун оғир муаммога айланди. Мутахассислар таъкидлашича, бу бало тобора кўпроқ одамларни ўз домига тортаётир. Гиёхванд моддаларга ружу қўйганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Дунёни ўзгартириб юборган илм-фан заҳри қотил турларининг ортишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ачинарлиси, гиёхванд ёлғиз ўзига зарап етказмайди. Биринчи навбатда унинг теварак-атрофидагилар жабр кўради. Бундайларнинг сафи кенгайиши жамият инқирозига сабаб бўлади. Шу боис дунёнинг илғор давлатларида гиёхванд моддаларни етиштириш, тарқатиш, сотиш, олиб ўтиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган кураш кучайтирилмоқда.

Сўнгги пайтларда ёшларимизнинг кийиниш маданийти ҳақида жуда кўп гапириляпти. Ҳозирги даврда маънавий-ахлоқий ҳаётнинг асосий мавзуларидан бири ҳам шу. Уларнинг аксариятида ёшлар шаънига нисбатан кескин, эътиrozли фикрлар билдириляпти. Бугунги кун йигит-қизларининг мода кетидан кўр-кўrona қувиши, уларнинг кийиниши миллий анъаналардан узоқлашаётгани, тор, калта, очиқ кийимларга қизиқиши борган сари ортаётгани, бу одатлар ўзбекчиликка зидлиги танқид остига олинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, охирги уч-тўрт йилдан бери ёшларнинг кийиниши мислсиз даражада ўзгарди. Вазиятнинг бундай тус олиши кишини бироз ўйлантиради. Хўш, аслида ҳақиқатан ҳам “мода” деган тушунча ёшларимизни бузаяптими? Уларнинг миллий анъаналаримизга хос кийинишларига нима тўскинлик қиласяпти?

Маънавияти юксак ёшлар “мода”га ёпишиб олмайди. Урф деб миллий қадрияларни ерга урмайди. Аксинча, ибо-ҳаёга, гўзал одоб-ахлоққа муносиб миллий кийимларни маъқул кўради.

Муҳаммадюсуф ТЎРАҚУЛОВ

АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

“Аёлни улуғлаш – оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим”.

Ислом Каримов

Тарихга мурожаат қилсак, не-не кашфиётларни яратган зукко, билимдон аёллар яшаб ўтгани, авлодлар қалбида ўчмас из қолдирганини кўрамиз. Соҳибқирон Амир Темур улкан салтанатни бошқаришда жуфти ҳалоли Бибихонимдан маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олган. Темурбек Чин ўлкасига юриш қилиб кетаётганида йўлда пул захиралари тугайди. Шунда Соҳибқирон чопар орқали Бибихонимга мактуб йўллайди. Хатда “Бибим, ҳазинадан зар юборинг” деб ёзилганди. Мактубни олган Бибихоним давлат маблағларини тежаб-тергаб ишлатишни лозим кўради ва сultonига “Зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугаганми?” деб жавоб хати юборади. Бу жавобдан таъсиранланган Амир Темур ўйлаб-ўйлаб, ҳайвон суякларидан пул ясаттириб, муомалага киритади.

Билимли, теран мушоҳадали хотин-қизларимиз ҳамиша элу-юртнинг ободлиги, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб ўсиши, наслларимизнинг тозалиги учун қайғурганлар. Бу жараён бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Тўрт мучаси соғлом бўлган фарзандлар миллатнинг кўрки ҳисобланади. Тарихий манбаларда ҳам бу ўз исботини топган. Кайковус ”Қобуснома”да фарзандига насиҳат берга туриб, шуларни уқтирган: “...агар ўғлингни уйлантирмоқ истасанг, қизингни эрга бермоқ истасанг, зинҳор ўз қариндошинг била беришиб-олишмағил. Бегонадин хотин олгин, нединким, ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам, улар

сенинг била гўшт-қондек яқиндурулар. Бошқа қабиладин хотин олгил. Бу билан бир қабилани икки қабила қилмиш бўлгайсан, бегонани ўзингга қариндош қилгайсан, токи бир қувватинг икки бўлгай. Икки тарафдан мададинг ва кўмагинг кўпайгай” дея уқтиради.

Бугунги кунда ҳам оила, никоҳ, хотин-қизлар ва эркаклар бурчлари ва вазифалари ҳақида кўп гапирилаётгани бежиз эмас. Чунки оила жамият ичра кичик Ватандир. Уни чин дилдан севган аёл ёки эркак унга хиёнат қилмайди, аксинча, ҳар хил ахборот хуружларига қарши кураша олади, яъни, мафкуравий иммунитети ёки рамзий қилиб айтганда, мафкуравий иммунитети кучли бўлади.

Одам савдоси ва бошқа қатор таҳдидлар тўрига илиниб қолмайди. Одам савдоси – юртимиздаги фаровонликка, тинчликка, миллий ўзлигимизга қаратилган катта маънавий таҳдиддир. Ушбу савдо қайси миллат ёхуд элат бошига тушса, бу катта кўргулик, катта мусибатдир. Атрофдаги мутасадди идоралардан сўрамасдан, қариндош-уруғлари билан маслаҳатлашмасдан чет давлатларга чиқиб кетаётган ва у ерларда одам савдоси қурбонига айланәётганлар орасида, афсуски, хотин-қизлар ҳам бор.

Диний-экстремистик ҳаракатлар ҳам инсоннинг қарам бўлишига хизмат қиласди. Бу маънавий қашшоқликнинг бир кўринишидир. Маънавиятсизлик “касали,” ҳар қандай бактериологик қуролга қараганда кўпроқ руҳий вайроналик келтиради. Лўнда қилиб айтганда, миллий маънавиятимиз оқсаган жойда ҳамиша кемтиклик бўлади. Кемтик фожеа давом этаверади. Оилалар таназзулга юз тутади. Саратон касаллиги ҳақида кўпчилигимиз биламиз. Саратон касали – одам танасидаги бир қисмнинг шу танадан озиқланиб, ўзини озиқлантираётган танага қарши автоном (алоҳида) яшай бошлишидир. Маънавиятсизлик касали ҳам худди шундай. Бугун глобал таҳдидга айланган “оммавий

маданият”, одам савдоси, турли диний-экстремистик гурухлар хуружи, халқаро терроризм, айрим бир хотин-қизларимизнинг муқаддас саналмиш оила муҳитидан узоқлашиб кетиши, маънавий кемтикликлар ҳар биримизни ўйлантиради, эзгулик учун курашга чорлади.

...Уч илдиз – бу инсоннинг учта маънавий илдизи, яъни, билим-маърифат, маънавият, чин муҳаббатдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дилбар хотин-қизларимиз, оқила, меҳрибон онажонларимиз, опасингилларимиз ана шу уч илдизни эзгулик ришталари билан боғлаб, янада мустаҳкамловчи қудратли, халоскор кучдир.

Аёлларни эъзозлаш, жамиятда уларга ўзларининг мос ўринларини бериш бизнинг нафақат фарзандлик, балки инсонийлик бурчимиз ҳамдир. Юртимиизда аёлларни ҳурмат қилиш, уларни нафақат моддий-жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳимоялаш анъанаси чукур илдиз отган.

Хотин-қизларни, болаларни комиллик сари етаклаш вазифаси тарихдан маълумки, аёл устозлар – отинлар зиммасида бўлган. Имом Бухорий, Термизий, фалакиёт илми билимдони Мирзо Улуғбек, жаҳон тиббиётига устоз бўлган Абу Али ибн Синонинг улуғ олим бўлишларига маърифатли аёллар, мўътабар оналар сабабчи. Навоийдек шоирларни ҳам, Мирзо Бобурдек ҳукмдорларни ҳам ана шундай оналар тарбия қилишган. Ушбу илм дарғаларининг болалик йилларига назар солинса, бошланғич таълимни гўдаклик чоғларида оналаридан олишгани маълум бўлади.

Албатта, бундай шахслар камолоти замирида аёл меҳнати ётади. Масалан, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Имом Фаззолий каби улуғлар ҳаёти ўрганилса, маърифатпарвар оналарнинг улкан хизмати қўзга ташланади.

Буюк олим Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Оила” номли рисоласида шундай дейилади: “Бир инсон

нақадар бой, нақадар мартаба соҳиби бўлса-да, унинг тарбияли хотуни бўлмаса, у баҳтли эмас. Зеро, баҳт оиласи ичида роҳатли умр кўрмакдан иборат бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон, оила ташқарисида ҳам роҳат кўра олмас. Шу сабабдан ҳам хотунларнинг тарбияли бўлишлари зарур ва бунинг фойдаси ҳам бутун миллатга мансуб бўлур”.

Аёл биринчи навбатда онадир. Агар аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса, демак, жамият соғлом бўлади. Чунки келажакнинг меваси бўлмиш фарзандларни оналар дунёга келтирадилар. Шундай экан, келажак авлоднинг комил инсонлар бўлиши бугунги кунда аёлларнинг баркамол бўлишларига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам юртимизда соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида жуда кўплаб хайрли ишлар бажарилмоқда.

Аёлларга кўрсатиш лозим бўлган олий ҳурмат на-
мунаси “Жаннат – оналар оёғи остидадир” каби пур-
маъно ҳадисларда ўзининг юксак ифодасини топган.

Аввало динимиз аёл кишини, она, жуфт опа-сингил
ва қиз сифатида ардоқлайди. Ислом, қиз туғилиши
барака келтиради, деган фояни илгари суради.

Исломда аёлнинг эрига итоат қилиши шариатга итоат
қилишидир. Шунинг учун ҳам, шариатга хилоф ишларда
аёлнинг ўз эрига итоат қилмасликка тўла ҳаққи бор.

Аниқки, оналари улуғланадиган, опа-сингиллари
эъзозланадиган юртнинг келажаги буюқдир.

Кўнгиллар фариштаси, хонадон чироғи, оила таянчи
бўлмиш аёл сиймоси ҳалқимиз тасаввурида қадимдан
эзгулик тимсоли бўлиб келган.

Аёл киши жамиятнинг ажралмас бир бўлаги, у
ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиб, илм олишга,
касб-хунар қилишга ҳақлидир. Шунга биноан бугунги
куннинг аёли ҳам унга берилган ҳақ-хуқуқлардан

оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, аёллик иффатини сақлаб, ўз шаънига доғ туширмаслика ҳаракат қилмоғи лозим. Уларни турли ёмонлик, хавф-хатар ва иллатлардан ҳимоялаш ҳамда уларни ҳурматини жойига қўйиб, чиройли муносабатда бўлиш эса, биз эркакларнинг зиммамиздадир.

Соғлом ва баркамол авлод тарбиясига мустақил-лигимизнинг илк кунлариданоқ катта эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар эътиборга лойиқдир. Мамлакатимиздаги барча ҳудудларда хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигига жойларда, хусусан мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мунтазам давра сухбатлари ўтказиб келинмоқда. Айниқса, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини назорат қилиш, яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик, ёш келин-кӯёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласи атрофлича тушуни-тирилмоқда.

Афсусуки, баъзи ота-оналар рўзгор ёхуд бошқа ташвишлар билан бўлиб, ўз фарзандларининг соғлиги, кийиниши, овқатланиш тартиби ва юриш-туришига эътиборсиз қарашибади.

Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Аёлни улуғлаш – оилани, ҳаётни, Ватанини улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим” деган фикрлари аёлларга бўлган юксак эҳтиромларидан далолат беради.

Аллоҳ таоло ота-онага берган энг улуғ неъмати фарзанд экан, хусусан, қиз фарзандни гўзал ахлоқу одобли қилиб вояга етказиш ота-онанинг жаннатий бўлишларига сабаб бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилганлар:

“Кимнинг битта қизи бўлиб, унга чиройли одоб берса, Аллоҳ берган неъматларидан уни ҳам баҳраманд қилса, номаи аъмоли ўнг тарафдан берилишига ва дўзахдан осонгина қутулиб жаннатга дохил бўлишига сабаб бўлади”.

Ислом динида Аллоҳ таолога ибодат қилишдан ке-йинги биринчи ўринга қўйилган амал силаи раҳм бўлиб, уни энг яқин жигарлардан, яъни оналар, фарзандлар, опа-сингил, амма ва холалардан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида айтиб ўтдикки, динимиз аёлларни мўътабар инсон сифатида қадр-қийматларини ниҳоят дараҷада юқори баҳолаган. Шунга биноан бугунги куннинг аёли ҳам унга берилган ҳақ-хуқуқлардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, аёллик ифратини сақлаб, ўз шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Афсуски, баъзи бир аёллар ўткинчи ҳавасга берилиб, оналик шаънига доғ тушириб, ўз жигаргўшаларини кўча-кўйларга, меҳрибонлик уйларига ташлаб кетмоқдалар. Айримлари турли сабабларни рўйач қилиб, Аллоҳнинг улуғ неъмати – ўз жонларига қасд қилиб, кечириб бўлмайдиган гуноҳга қўл урмоқдалар. Бундай аёллар Аллоҳ ва пайғамбар улуғлаган сифатларга доғ туширмоқдалар, гуноҳга ботмоқдалар, жамият келажагини таҳдид остига қўймоқдалар. Бинобарин, инсон аёл туфайли дунёга келади, бир парчагина гўштни, ожиз, нимжон чақалоқни аёл тарбия қилиб вояга етказади; оилани ҳам тебратиб турган аёл. Аёл-она, аёл – рафиқа, аёл – тадбиркор, аёл – сиёsatдон... Унинг сифатларини санаб адо қилиб бўлмайди. Аммо аёлнинг гулдан ҳам нозик эканлигини уннутиб қўймайлик. Яна шу нарсани унутмайликки, аёл – меҳрибонлик рамзи, меҳрибонлик эса, инсонийликнинг бош белгисидир.

Аёлларга фарзанд тарбиялашдек масъулиятили вазифа топширилган. Бир боланинг дунёга келиши билан, унинг энг аввалги тарбия мактаби онасининг

қучоғидир. Болаларнинг тарбияси комил бўлиши учун аёлларимиз гўзал тарбия кўрган бўлишлари, хусусан тарбияли, фикрли бўлишлари лозимдир. Болалар тарбияси аёлларга маҳсус бир вазифа бўлганлиги учун бу тарбиянинг даражаси тарбия қилувчиларнинг билимлари даражасида бўлиши лозим.

Болалар тарбияси умумий тарбиянинг негизи бўлганидан “хотинлар тарбияси комил бўлган жамият олға кетар”, деган қоидани ҳеч тортишмай қабул этмоқ ҳар бир халқнинг бурчлари жумласидандир.

Рух илму маърифат билан комил бўлур. Ҳатто илму маърифатнинг ўзини ҳаёт деб айтиш ҳам мумкин. Инсониятнинг қадри маориф биландир. Илму маърифатдан ҳеч бир кимса зарар кўргани йўқдир. Дунёда нақадар ёвузлик бўлса, ҳар бири нодонликдан туғилур. Энг зўр ҳалокат чўнқири нодонлик ва одамгарчилигини йўқотувчи ҳам нодондир.

Кўркам таҳсил кўрган, хулқини тузатган аёл албатта ҳар ерда ҳурматга лойиқдир. Одоб инсоннинг зийнатидир. Маърифат инсоннинг ўзи бирла яшар. Одамгарчилик учун керакли бўлган номус, иффат, ҳаё каби фазилатларни энг аввал ушлаб турувчи илму маърифатдир. Бахтнинг ҳам, роҳатнинг ҳам, бойликнинг ҳам негизи, асоси илм ва меҳнатдир. Олиму комил бўлганларнинг даражалари энг олийдир.

Ислом – аёл кишини она сифатида улуғлаб, оилани ва соғлом жамиятни барпо этишнинг кўп соҳаларини унга топширди ҳамда жаннатни унинг оёғи остига қўйди. Шунингдек, аёлни хотин сифатида ҳам улуғлади. Эркакларнинг энг яхшиси хотинларга кўпроқ яхшилик қилганларидир, дейилган. Эрга хотинининг ҳурматини сақлашни, унга нафақа беришни юклади: оиласда аёлнинг саодати кафолатли бўлишини, қийинчиликлардан ҳимоя қилишини ва хорликдан сақлашни топширди. Ислом аёлни қиз сифатида ҳам улуғлади. Уни яхши тарбиялаш, одоб беришни ота-онанинг зиммасига юклади ва бу ишни жаннатга киришларига сабаб қилди.

Ислом дини аёлларнинг илм олишига катта эътибор қаратади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганларидек, “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор”. Шундай экан, жамиятнинг мақсади инсонларни Аллоҳ таолони танийдиган, амрига бўйсунадиган, миллат, дин ва Ватан манфаатларига хизмат қиласидиган қилиб тарбиялашдир. Бунда биз аёлларнинг, оналарнинг зиммасига улкан масъулият ва вазифа юкланган. Шу сабабли аёллар ва қизлар пухта илм олишга ҳаракат қилишлари, олган билимлари ва яхши тарбияни фарзандларига етказишлари лозимдир.

Муҳаммадназар ҚАЮМОВ

ОДОБ – ИНСОН КЎРКИ

“Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган”.

Ислом Каримов

Алишер Навоий ҳазратлари ёзадилар:

*Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаёҳ хушдурур...*

Дарҳақиқат, яратилмишларнинг шарафлиси – ИНСОН учун одоб ва ҳаё чирой, кўркидир. Зоро, инсон одоби ила эл ичра азиз, одобсизлик ила тубанлик қаърига дахлдордир.

Хўш, одобнинг асл маъно-моҳияти нима? Одоб инсонлараро муомала маданиятими? Одобли одамнинг одоби қандай бўлиши керак? Мутафаккирлар одоб борасида нималар дейишган?

Мұхтарам Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас күч» асарида ёзадилар: «Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг баҳту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Одобли, билимдөн ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир».

Дарҳақиқат, одоб «коинот гултожи» саналмиш инсоннинг зебу зийнати бўлса, одобсизлик, ахлоқсизлик «тубанлик ичра танҳо» бўлишига асосий сабаблардандир.

Биз баркамол авлод ҳақида қайғурар эканмиз, ёшларга комилликнинг бош мезони саналган одоб ахлоқ тамойиллари, қоидалари, нозик жиҳатларини тушунириб беришимиз керак.

Халқ оғзаки ижодининг энг ихчам жанри мақоллар, Мир Алишер Навоий ҳикматлари, улуғ мутафаккирларнинг одоб-ахлоққа доир қарашларидан фойдаланиши гўзал одоб тарбиясида катта самара беради.

Мақоллардан намуналар

Одобинг – обрўйинг.

Бола азиз, одоби ундан азиз.

Сўз – кишининг ўзаги,
Одоб – кишининг безаги.

Одобли ўғил – кўқдаги юлдуз,
Одобли қиз – ёқадаги қундуз.

Яхши бола – отага қувват,
Ёмон бола – уқубат.

Адабни беадабдан ўрган.

Одобли инсон фазилатлари
(Ризоуддин ибн Фахриддиндан ўн бир насиҳат)

Ризоуддин ибн Фахриддин машҳур олим ва фозил зот эди. Унинг ахлоқ-одоб, тарбияга оид кўплаб асарлари бор. Шулардан бири – “Катталарга насиҳат” номли асарининг сўнгги қисми “Ўн бир насиҳат” деб номланади. Биз одобли одамнинг фазилатларига оид ушбу қимматли ўн бир насиҳатни эътиборингизга ҳавола қиласиз.

Биринчи насиҳат: бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу-алам келганда сабр қилинг. Инсоф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Ҳамманинг иззат ва ҳурматини бажо келтиринг. Пул, молу дунёнгизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг.

Одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Муруват аҳдларидан намуна олинг. Ташқи қиёфангиз ва кўнглингизни пок туting. Ўз билганингизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уруғларингизни зиёрат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бирордан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топширинг. Қўлингиздан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорларингиз бўйича иш олиб боринг. Кунлар қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарлардир, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига ғайрат қилинг.

Иккинчи насиҳат: дўст, душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни ишлашдан ҳазар қилинг, гўзал

хулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарич ҳам айрилманг. Ёши ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одобли, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабангиз, даражангиз ошади, халқнинг ишончини қозонасиз. Адабсиз, тарбиясиз билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қиладилар.

Қитъа:

*Ҳасад олам аро ҳосидга басдир,
Ки, доим ғусса бирла ҳамнафасдир.
Кишига гарчи ўт ёндиргусидир,
Вале ул ўтға ўзни ургусидир.*

Учинчи насиҳат: бошқаларнинг айбларини кўрган вақtingизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Бировга чуқур қазиманг, у чуқурга ўзингиз тушасиз. Ҳақлиқ, тўғриликка қарши курашманг, ўзингиз йиқиласиз. Ҳеч кимни беобрў этманг, ўзингизнинг обрўйингиз тўкилади. Ўз фикрингизгагина таянманг, адашасиз. Такаббурлик қилманг. Олим, фозил, донолар билан кенгашиб иш қилинг, пушаймон емайсиз. Олимлар мажлисига қатнашинг, даражангиз ошади, нодонлар билан улфат бўлманг, сиз ҳам улардан саналасиз. Оз сўзласангиз, оз янглишасиз. Ёлғончилик билан шухратланманг, ҳамманинг назаридан қоласиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг. Ҳеч кимдан таъма қилманг. Билмаган нарсангизни “билмайман” дейишидан уялманг. Керак бўлган илм, ҳунарни ўрганишдан тортина масдан ўрганинг, ўрганмасангиз, кейин пушаймон қиласиз. Ўзингиз истаган яхши ишни бошқаларга ҳам тиланг. Тингланг, нафсингизнинг ҳамма орзуларини бажо келтириб, уни семиртирсангиз, ниҳоят фалокат, балки ҳалокатга учрайсиз. Ўтганларнинг иш ва

ҳолларини фикр қилиб, улардан ибрат олинг. Ўзингизга керак бўлмаган сўзларга аралашманг. Бузуқликка олиб чиқадиган йўлга асло кирманг. Шафқатли, марҳаматли ва хайр-эҳсонли одамларга яқинлашсангиз, ҳамма сизни улар қаторида санайди. Ҳақингиз бўлмаган ерга кўз ташламанг. Ишламай, бошқалар елкасига юк бўлиб ётманг, ғайрат қилиб ишланг. Ўз нонингизни меҳнатингиз орқали топиб енг.

Тўртинчи насиҳат: истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб, бетоқат бўлманг, сабр қилинг. Бир-бирингиз билан маслаҳатлашиб ишланг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Жамиятга зарар келтирадиган ишлардан сақланинг. Очиқ жойда ишлаш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам қилманг. Айтишга ярамаган сўзларни оғзингиздан чиқарманг. Ҳар бир маъносиз сўзни сўзловчи валдир-вайсақи бўлманг. Олди-қочди сўзларга ишониб юрманг. Бошқаларни менсимай “ўзим биламан” деб даъво қилманг, ўзингизни билармон этиб кўрсатманг, илмда сиздан ҳам юқори зотлар борлигини унутманг, мақтанчоқлик жоҳил-нодон кишилар ишидир.

Бузук, ярамас кишилар билан ошна-оғайничнолик қилишдан сақланинг, чунки ўзингиз сезмаган ҳолда уларнинг ёмон хулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин.

Нон ва бошқа нозу неъматларни хорламанг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Бировнинг ички ва ташқи ҳолини “ёмон одам” деб гувоҳлик берманг. Бир одамнинг оёғи тойиб, қайғу-ҳасратга гирифтор бўлганига шодланманг, унинг ҳоли бир кун сизнинг бошингизга ҳам тушиши мумкин. Молу давлатингиз билан одамларни рози эта олмасангиз, уларни яхши хулқингиз билан рози қилинг. Бировдан ўч олишга кучингиз етса ҳам ўч олманг, хатосини кечиринг, аччиқланманг, ўзингизни босинг. Ҳузурингизда бировни

гийбат қилган киши бошқаларга сизни гийбат қиласы, бундай кишига күнгил берманг. Маст киши билан адібади қилиб ўтируманг, ундан узоқлашинг.

Бир одам билан дүстлашишни истасанғиз, мұхтожлик вақтингизда ёрдам қилувчи, түғри сўзловчи, эзгулигингизни тақдир этувчи, қайғунгизга қайғуланиб, шодлигингизга шод бўлувчи, пок қалбли одам билан дўстлашинг, тилёглама мунофиқлар билан дўст бўла кўрманг. Кўчаларда заруратсиз йиғилиб одамларнинг ўтишига халақит берманг.

Бешинчи насиҳат: бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолишиса, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Шунинг учун қилган яхшиликларингизни ҳаммага айтиб, мақтаниб юрманг. Тили кучли бўлган аччиқ сўзли ва маъносиз сўзлар сўзлаб юрган киши билан асло дўстлашманг. Ақлингиз – энг түғри насиҳаттой. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Ёмон ишларни ишлаш эмас, ҳатто кўнглингизга келтирманг. Илм нурини бузуқлик суви билан ўчирманг. Одобахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг.

Олтинчи насиҳат: орангизда адоват, гинағўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Мартаба ва мансабни севишга мубтало бўлманг. Фойдасиз нарсаларга вақтингиз ва пулингизни сарф этманг.

Байт:

*Шубҳасиз лозим ўғил, қизга нурағышон тарбият,
Боиси баҳту саодат - моҳи тобон тарбият!*

Еттинчи насиҳат: одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат

бўлмаса, бирордан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг.

Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм, фан, одоб, ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз, эсдан чиқармаслик чорасини кўринг. Кераксиз, бўлмағур сўзларни сўзлашдан тилингизни тийинг.

Ҳеч кимни гийбат қилманг, бирорга тухмат қилишдан сақланинг. Қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз ёки таниш-билишларингиздан бири учраб қолса, ҳолини сўранг. Ўйингизга келган меҳмоннинг иззат-ҳурматини бажо келтиринг.

Байт:

*Гар ёмонлик йўлини ҳар кимки қиласа ихтиёр,
Халқ ишончин йўқ этиб бўлгай балоларга дучор.*

Саккизинчи насиҳат: ақлни биз инсонларга улуғ ҳадя, улуғ неъмат деб билинг, уни соғ ва комил равиша асрашга эътибор беринг. Бундай улуғ неъматни ва бундай шариф ҳадяни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Тўққизинчи насиҳат: бир-бирингизнинг турмушингизга, молу дунёингизга ҳasad қилманг, аччиқланманг, ёмон сўзга боришманг, ғазаб вақтида ўзингизни тутинг. Иккюзламачилик, мунофиқлик, баҳиллиқдан сақланинг. Ёлғончи, гийбатчи, тухматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, гайратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат этманг. Одамларни кулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзларни сўзламанг.

Байт:

*Истасангиз кайғу-ғамлардан нажот,
Ножӯя ишлардан бўлинг эҳтиёт.*

Ўнинчи насиҳат: ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради. Гўзал хулқли одамларда мунофиқлик бўлмайди. Ёмонликдан

қайғуриб, яхшилик учун севиниш комил инсонда топилади. Ризқ-рўзингизни тупроқ остидан изланг, яъни, ер ҳайдаб уруғ сепинг, тоғларга чиқиб конларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун маҳсус ўқув юртларига кириб ўқинг. Молу давлатингизни оиласизни тарбия этишдан қизғанманг. Мабодо ишингиз ўнгланмаса, қайғуриб ўтиранг, ўнгланишига ғов бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб ишга киришинг. Билмаган нарсангизни “биламан” деб даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга ҳавас қилинг, ўрганинг. Она тилингизни севинг, ҳурматланг, қадр-қимматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтаринг.

Байт:

*Ҳар тилакнинг аввалидир, шубҳасиз, тил очқичи,
Тил – тараққий ҳам саодатнинг биринчи босқичи.*

Ўн биринчи насиҳат: гуноҳ унугилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар ким нима экса, шуни ўради. Эзгулик этишга шошилинг. Нафсингизнинг ҳамма истагини бажо келтиришдан чекланинг. Хайрли ишлар учун саъй-ғайрат қилинг.

Донишмандлар инсоннинг шу ўн икки фазилатга эга бўлишини ҳам айтганлар:

Риёзат эгаси бўл; ортиқ даражада еб-ичма, шундай қилсанг, ўз фикрингга эга бўласан, яхшироқ ўйлайсан.

Сукут сақла, ўзингга ва бошқаларга фойдаси тегмайдиган сўзлар сўзлама, эзмалик қилма.

Интизомли бўл; ҳар бир нарсанинг ўз ери ва ҳар бир ишнинг ўз вақти бўлсин.

Мақсад эгаси бўл; қиладиган ишингни аввал яхши ўйлаб, бир қарорга кел, кейин у ишни камчиликсиз бажар.

Тежамкор бўл; молу дунёнгни ҳеч фойдаси бўлмаган ерларга сарф этма, пулингни тежа, яъни исрофдан сақлан.

Саъй-ғайрат эгаси бўл; вақтингни бекорга ўтказма, фойдали ишлар билан машғул бўл, саъй-ғайрат қил. Керак бўлмаган ишлардан қўлингни торт.

Тўғрилик пеша қил; доимо тўғри сўзла, тўғри ишла, хийла-найрангдан ўзингни сақла, қалбинг пок бўлсин, ҳақиқатпарвар бўл, рост сўзни дангал сўзла!

Мўътадилликни сақла; ҳар нарсада ўртача ҳолни тут, чегарадан чиқиб кетма, бир одамнинг ҳақсиз бўлганини жуда яхши билганингда ҳам ундан ўч олишга интилма, ўзингни тут.

Покдомон бўл; аъзойи баданингни, кийим-кечак, уй ва бошқа нарсаларингни сира ҳам ифлос қилма, тозаликка диққат бер.

Қалб ҳузурига эга бўл; майдада-чуйда, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардан қайғуриб, саломатлигинги бузма.

Иффатли бўл; ўзинг тугул бошқаларнинг тинчлигини ҳам қўрқинч остида қолдирма, доимо иффатли, номусли бўл, маъносиз йўлларда юрма.

Адабли бўл; тарбияли ва олим-фозиллардан ўрнак ол, тавозели, мулоийм сўзли бўл, ўзингни ҳаммадан юқори тутма, камтарлик яхши хислат эканини эсингдан чиқарма!

Олижаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлган одам бойликка ва одамларнинг мақташларига ёки камситишларига сира илтифот қилмайди, турмушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди. Ғайратига ва олий ҳимматлилигига камчилик келтирмайди, яъни молу дунёси кўп бўлса, ғуурланиб, мутакаббир бўлиб кетмайди, халқнинг мақтاشига севинмайди. Ҳар вақт бир хилда бўлиб, ўзининг даражага ва ҳимматини сақлайди.

Сабр, қайғу-аламларга, машаққатларга чидаш фойдали бир ишдир, бунга эга бўлганлар ҳар нарсага ортиқ даражада қайғуриб ўз саломатликларини йўқотмайдилар.

Шижаат әгаси бўл; хавф-хатарларга учраганда, киши ўзини қўрқмай сақлаши қаҳрамонликдир. Бу фазилат қўрқинчли пайтда одамни нолойик иш қилиб қўйишдан сақлайди.

Мулойимлик шиорини тут; аччиқланган вақтда ўзни тута бил. Мулойимлик улуғ фазилатларнинг биридир. Қаҳр-ғазаб вақтида ўзни босиб, тинч тура олиш одамни жуда кўп хавф-хатарлардан, ёмонликлардан сақлайди. Мулойим, юмшоқ кўнгилли кишиларни ҳар ким севади.

Осоиишталик қилган одам жанжал, favfo вақтларида қичкириб енгиллик ва қизиқконлик кўрсатмайди, сукут ва сабр сақлайди. Қизиқконлик саломатликка, ҳатто умрга зарар етказади. Қизиқконлик, енгиллик, қаҳр-ғазаб одамни уятга қолдиради. “Ғазаб билан сарғайган юз пушаймонлик билан қизаради”, деб шунга айтишади.

Тавозе – халқдан ўзини юкори тутмаслик, бошқаларни камситмаслик каби гўзал хислатдир. Ўзини ҳар кимдан ортиқ билмаган одам мақташга сазовор улуғ одамдир. Бу инсоннинг энг яхши фазилатидир. Шундай бўлсада, тавозени жуда ҳам кўпайтириб, ўзини ҳақир тутиш ёки мунофиқона тавозе қилиш ярамаган бир ишдир, ўртача тавозе мақбул ва марғубдир.

Ҳамият – номус ва диёнатни сақлашдир.

Чидамлилик – гўзал сифатларга, олий ишларга эришиш йўлида мashaққатларга бардош беришдир.

Ҳамдардлик – бир одамнинг қайғу-ҳасратларига ачиниб, ўзида ҳам қайғу ҳосил қилишдир. Лекин қуруқ ҳамдардлик фойда бермайди, балки қайғули одамга ёрдам бериб, уни қайғу-ҳасратдан қутқазиш чорасига киришиш лозим. Ҳамдардликнинг тўла маъноси мана шунда.

Мол ва бойликтининг умри қисқа, тезда завол топади. Аммо яхши ном узоқ асрлар ўлмай яшайди.

Бир донодан: “Ҳақиқий aka ким?” деб сўрашди. “Бошингга иш тушганда ёрдам берган киши”, деб жавоб берди доно.

Бутун куч саломатликни сақлашга қаратилиши лозим, чунки саломатлигинг бузилса, ҳаётинг ва майшатинг бузилади, ейишда, ухлашда ҳаловат ва роҳат қолмайди.

Баданингни сенда ҳақлари бўлиб, бу ҳақларни ўз вақтида адо қилишинг лозим. Бу ҳақ шуки, соғлиқни сақлаш қонунларига тўла амал қиласан, озодалик ва покизалик шартларини жойига қўясан. Ўтиришда, юришда, туришда, уйқуда, ейиш-ичишида, кийинишида, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишида қоидага амал қиласан. Шунда табибга эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

Луқмони Ҳакимнинг ўғлига насиҳатлари

Луқмони Ҳакимнинг ўғлига насиҳатларини “Одобнома” қомуси дейиш мумкин. Ушбу бўлимда бу зотнинг одоб қоидаларига оид айрим ўғитларидан намуналар келтирамиз.

Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иштут, одамларни фийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош кўшса, уларга қўшилма.

Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама.

Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қўйи осилтириб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма.

Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма.

Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жанжалдан қоч. Сенга иш буюрсалар, бажар, ваъда қилсанг - албатта бажар. Ҳеч кимни ранжитма.

Аввало сўзни ўзингга яраша гапир, одамларнинг қадру қимматини англа, одамларнинг ҳақ-хукуқини тани, сирини маҳкам сақла.

Одамларни бошингга иш тушганда сина, дўстни фойда ва зарарда имтиҳон қил.

Доно ва зийрак одамлар билан дўст тутин, аблах, ва нодон одамлардан қоч, хайрли ишларни амалга оширишга жидду жаҳд билан кириш.

Сўзни ҳужжат билан гапир, маслаҳатни доно одамлар билан қил, ёшликни ғанимат бил. Ёшликда керакли ишларни қилиб қол.

Дўстларингни хурмат қил, уларнинг хизматини жон деб қабул эт.

Устозингни иззат эт, чиқимни кишимга яраша қил.

Саховатпеша бўл, меҳмонга чин дилдан хизмат эт, бироннинг уйига кирсанг, кўзингни эҳтиёт қил. Улуғлар сухбатида ўтиранг, тилингга эҳтиёт бўл.

Кўпчилик ичida бўл, либосингни покиза тут, болаларингни илм, адабга ўргат.

Тунда гапирсанг, паст овозда гапир, кундузи гапирсанг, атрофингдагиларга эътибор бер. Кам гапириш ва кам ейишни одат қил.

Ўзингга раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўр.

Ҳар бир ишни ақл билан қил, бироннинг нарсасига кўз тикма.

Пасткаш кишилардан вафо кутма, қилинмаган ишни қилинганга ҳисоб қилма. Бугунги ишни эса эртага қолдирма.

Нокас ва баҳил кишилардан яхшилик умид қилма.

Ўзингдан улуғ кишилар билан ҳазиллашма.

Улуғлар билан сўзлашганда сўзни узайтирма, ҳожатманд кишиларни қуруқ қайтарма, биронларнинг устида эса фармонбардорлик қилма.

Бироннинг яхшилигини яхшилик билан қайтар.

Икки одамнинг ўртасида чақимчилик қилма.

Муҳаммадбобур Йўлдошев тайёрлади.

МАЬНАВИЯТИ ЮКСАК ХАЛҚМИЗ

Инсоннинг дунёқарашини, табиатини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, яхшилик, эзгулик, олижаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша каби муқаддас тушунчалар негизини қадриятлар ташкил этади. Маънавий қадриятлар миллатнинг қиёфасини белгилайди. Шунинг учун советлар даврида халқнинг урф-одатлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринишлар бўлди. Улар элу юртнинг зиёли қатламини қатағон қилиб, одамларга пуч ғояларни тарғиб этишди. Мақсад битта – миллатнинг тарихи ва ўзлигидан жудо этиш эди. Чунки қадриятларини, дину диёнати, маънавиятини унутган халқни бўйсундириш осон кечади.

Минг шукрлар бўлсин, истиқлол қуёши порлагач, элимиз ўзлигига қайтди. Халқимиз дину диёнатига, қадриятларига яна эга бўлди. Аждодларнинг маънавий меросидан доимий баҳраманд бўлишга эришилди. Масжид-мадрасалар очилди, зиёратгоҳлар обод бўлди.

Бугун юртимизда нега айнан қадриятлар ва маънавиятга эътибор қучайяпти, деган саволга тўлақонли жавобни Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан топамиз. Бу китоб халқ баҳти, фарзандлар камоли, мамлакатимиз келажагини ўйладиган бирор одамни бефарқ қолдирмайди. Юракда масъулият туйғусини кучайтиради. Мухтарам Юртбошимиз мазкур асарда маънавият – миллатнинг юраги, қалби, дея эътироф этиб, бундай дейдилар:

“Маънавият ҳақида фикр юритар эканмиз, бу масалани атрофлича ва чуқур таҳлил этишимиз, унинг фақат ўзимизга маъқул ижобий томонлари билан чекланиб қолмасдан мураккаб жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз лозим. Лўнда қилиб айтганда, бу ўринда гап бир-бирига қарама-қарши

бўлган, бир-бирини инкор қиласиган икки хил ҳаётий қараш ҳақида бормоқда.

Биринчиси, ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар.

Иккинчиси, бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, хузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидағи бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари”.

Маънавиятли инсон доимо кўнглида эзгуликни тарбия этади. Атрофига ёруғлик сочади. Қалбларга яхшилик, умид, бунёдкорлик уругини сепади.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари ҳам аждодларимизнинг айнан маънавиятга, қадриятларга бўлган эътибори қандайлигидан дарак беради ва ҳалқимиз қадимдан тарбия масаласига барча бирдек масъул эканини билдиради. Қадриятларни қарор топишида қўуни-қўшни, маҳалла-кўйнинг ўрни муҳим. Буни мақолларимиздан ҳам билса бўлади: “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Кўшнинг тинч, сен тинч”...

Динимизда ҳам қўшничилик ҳақларига алоҳида эътибор берилган. Бу борада жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан қатор ҳадислар ворид бўлган. Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинишича, «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаброил (алайҳиссалом) қўшнинг ҳақига риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият қилдиларки, мен уни ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак,

деб ўйладим”, дедилар» (*Бухорий ривояти*). Яна бир ҳадисда: “Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшнисини оч қолдирган бўлса, у киши (чин) мўмин эмасдир”, дейилади.

Қўшнилар аҳил-иноқ бўлса, маҳалла, элу юрт обод бўлади. Юртимизда ҳар йили баҳор ойларида маҳаллалар, қўшнилар бир бўлиб ҳашарлар ташкил этишади. Бу ҳашарларда кўчатлар экиласди, ариқлар тозаланади. Дараҳтлар оқланиб, шакл берилади. Мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар ўтқазилади. Яна ободончилик ишларига ёшлар ҳам тарғиб этилади. Уларнинг дунёқараши шаклланишида мана шундай тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Улар бир-бирларига салом беришни, кексаларни ҳурматини жойига қўйишни маҳалладаги катталардан ўрганади.

Маҳаллаларда яшовчи инсонлар доимо бир-бирларининг ҳолидан хабардор бўлади. Худуддаги кекса, ногирон, кам таъминланган оиласлар маҳалла ҳомийлигига бўлади. Ҳайит ва бошқа байрамларда моддий ва маънавий кўмак берилади. Айниқса, Наврӯз байрами, унда жамоа бўлиб тайёрланадиган сумалак, ҳалим каби тансиқ таомлар одамлар орасини янада жипслаштиришга ёрдам беради. Албатта, бу тадбирлар замирида бағрикенглик, бирдамлик, саховат, меҳроқибат каби фазилатлар мужассам.

Бугун дунёда нима кўп, инсон қалбига жоҳиллик, ахлоқсизлик, ёвузлик уруғларини ташлайдиган ўзини “маданиятли” деб атаетган, аслида ўша “оммавий маданияти” орқали ёшларимиз онгини заҳарламоқчи бўлган кучлар кўп. Улар айрим фўр кишилар онгига асрий қадриятларимиз, руҳий дунёмизга ёт қарашларни сингдиришга уринаётирлар. “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий, диний қадриятларидан жудо қилишга уринади.

Булар бой маънавиятимиз илдизига болта урувчилар-дир. Бугун дунёниг бир қанча мамлакатида содир бўлаётган вайронагарчиликларда айнан мана шу ёвуз кучларнинг қўли бор.

Биз азалдан юксак маънавиятли халқмиз. Бизда савоб иш қилиш қадрият даражасига қўтарилиган. Юқорида келтирилган муаммолар ҳаммамизни ташвишлантиради. Жамиятимизга маънавий таҳдид солаётган, эзгу мақсадларни ниқоб қилиб, ёшларимиз орасида ахлоқий тубанликни тарғиб қилувчилар, ахлоқсизликни маданият деб сингдиришга уринувчилар, оилани, қадриятларни обрўсизлантириш илинжида юрганлар, маънавият ва эътиқод қальяларини вайрон этишни мақсад қилганларга қарши ҳамиша ҳушёр бўлиб курашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Ёшларга ғоявий ва ахборот хуружлари моҳиятини тўғри тушунтириб боришга, бундай ҳаракатлар ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини асосли далиллар билан фош қилишга, огоҳликка даъват этишга бирдек масъулмиз.

Ватан тинчлигидан, ободлигидан улуғроқ баҳт йўқ. Комилликка интилувчи инсон ҳеч қачон ўз уйи, ҳовлиси даражасидаги баҳт билан кифояланиб қолмайди, у бутун инсоният баҳтини ўйлади.

Шу ўринда бир қувончили хабар, АҚШнинг Колумбия универсиети олимлари “Дунёниг энг баҳтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказдилар. Унинг натижаларига кўра Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган. Мухтарам Юртбошимиз 2015 йил 9 май куни журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда “Дунёниг энг баҳтли мамлакатлари” танловидаги ютуғимиз ҳақида гапириб, “...буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, имони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир”, дея таъкидладилар.

Зеро, тинчлик бор жойда тараққиёт, фаровонлик бўлади, Одамлар турмушидан миннатдор, баҳтли ҳаёт кечирадилар.

Бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий бундай дейдилар:

“Оlam аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш...”

Навоий ҳазратлари ўз хитобларида “Оlam аҳли...” деб мурожаат қилмоқда. Миллату ирқ, дину мазҳаб каби тафовутлардан юқори туриб, дунё ҳалқларини тинчликка, ўзаро ҳамжиҳатликка чақирияпти. Зеро, ер юзи бўйлаб сочилиб кетган ҳалқларнинг келиб чиқиш ўзаги битта, бир ота-она фарзандларирики, бобокалон шоириимиznинг даъватларида Ислом динининг тубмоҳияти, бош гояси акс этиб турибди.

Сўзимиз сўнгига муҳтарам Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан яна иқтибос келтирамиз:

“Пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган инсон ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва юраги осойишта, виждони пок, руҳий олами барқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди. Иккинчи томондан, бу дунёда енгил- елпи, ҳар хил нопок йўлларга берилиб, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёга интилиб яшаган одам, энг ачинарлиси шуки, ҳаётининг сўнгига армон ва надоматларга ботиб ўз умрини тугатади.

Доно ҳалқимиз гараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, факат ўзини ўйладиган кимсадан Ўзи асрасин, дейди. Бағрикенг, ҳалол-пок, виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, аксинча, бошига кўтаради ва бундай одамлар жамиятда қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор топади”.

Муҳаммад СИДДИҚ

МАЬНАН СОГЛОМ, ЖИСМОНАН БАКУВВАТ АВЛОД

Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби ёшлар ва уларнинг таълим-тарбиясида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар энг аввало, аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни, бунёдкорлик ғоялари ва эзгу таълимотларни ёшлар онгига сингдириш ва шу билан бирга уларни имон-эътиқодли, Ватанга садоқат, олижаноблик руҳида тарбиялашда ўз аксини топмоқда. Фарзандларимизнинг аждодларимиз каби дунё тамаддуни ривожига хизмат қила оладиган бўлиб камол топишини таъминлаш бугунги кунимизнинг долзарб вазифасидир. Юртимизда азал-азалдан одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга катта эътибор берилган. Олимлар адаб илмини қадимдан чукур ўрганиб, ривожлантириб келгандар.

Ёшлар барча соҳада етакчи бўлишлари учун энг аввало, гўзал одоб-ахлоқли бўлишлари лозим. Ҳозирги пайтда ёшлар онгига маънавиятимиз ва ахлоқимизга бутунлай ёт бўлган энг хатарли иллатларни, жумладан, диний таълимотларни нотўғри талқин қилиш орқали уларни ўз ота-оналари, оиласи ва яқинларидан узоқлаштириш, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуроли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга жўнатиб, манқурт-жангариларга айлантиришга интилишлар кузатилмоқда. Агар бундай ҳолатларнинг олди олинмаса, катта фитналарга сабаб бўлиши аниқ. Ёшларни худбин ва лоқайд кимсаларга айлантириш, ахлоқий тубанлик ва зўравонликни тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, бузуклик, қандай йўл билан бўлса ҳам фақат бойлик орттиришга интилиш, оилани тан олмаслик каби заарарли иллатларни ёйишни асосий мақсад қилиб олган бу жирканч «маданиятлар» жамият маънавий ҳаётини издан чиқаради, ёшлар ахлоқига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Демак, инсон қандай жамиятда яшамасин, унинг моддий ва маънавий равнақи, фаровонлиги ва ҳимояси учун камарбаста туриши лозим. Бунга ҳадиси шарифлар, улуғ мутафаккирлар меросида ҳам далиллар кўп.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жисмоний тарбия болани жисмонан бақувват, кучли, соғлом этиб тарбияласа, маънавий тарбия орқали унда юксак ахлоқ, эзгулик, инсонпарварлик, шижаат, раҳмдиллик ва меҳнатсеварлик сифатлари шаклланади. Маънавий тарбия фарзанднинг ўзлигини сақлашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қиласди. Буюк аллома, ватандошимиз Абу Райхон Беруний айтганидек, инсон табиатнинг энг олий зоти, камолотидир, инсон зоти барча жонзотлардан юқори туради. Инсонга катта шараф кўрсатилган – унга ақл-заковат ва куч берилган. Шу сабабдан, инсоннинг маънавий олами унинг олдига кўйилган вазифаларга мос бўлиши учун у юксак ахлоқли, билимли, маърифатли бўлмоғи даркор». Дарҳақиқат, гўзал хулқ ила тарбияланган бола ҳаётда ақл-идрок билан иш тутади, имон-эътиқодида собит туради, эркин ва мустақил фикрлайди, ҳар хил алдовларга учмайди ҳамда ғаразли ташвиқотларга берилмайди. Демак, фарзанд ёшлигидан соғлом эътиқодли, билимли, одобли ва шижаатли бўлиб вояга етиши учун ота-она уларни фойдали билим ва кўнижмалар билан таъминлаб бормоқлари мухимдир. Бунда фарзанд аввало соғлом ақидага эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Машҳур олим Сўфи Оллоёр ўзининг «Сабот ул-ожизин» асарида ақида хусусидаги қарашларини шундай изоҳлаган:

*Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур.*

Мазкур байтдан ҳам маълум бўладики, ақидаси соғлом бўлмаган фарзанд ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кучлидир. Айниқса, ғоялар кураши

авж олган бугунги кунимиизда фарзандларимиз маънавиятига тажовуз солаётган таҳдидлар қаторида, динни ниқоб қилиб, диний қадриятларимизни оёқости қилишга уринаётган экстремистик ва миссионерлик ҳаракатларининг фаолияти жиддий ташвиш уйғотмоқда. Дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этаётган, жамиятга ҳар томонлама зарар етказаётган бундай ҳаракатлар ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адсоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратмоқда. Умуман, исломда юрти, миллати, ота-онасига хиёнат қилиш оғир гуноҳ саналиши ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар берилган. Ислом шариатида инсонларга нафақат ўз ота-онаси, балки бегоналарга, ҳатто, ғайридин бўлган кишиларга ҳам яхшилик қилиш буюрилади.

Шунингдек, келажак авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда диний ва дунёвий қадриятлар уйғунлашуви, оиласдаги ва жамиятдаги муҳитнинг тарбиявий таъсири бекиёс ўрин тутади. Ота-боболаримиз томонидан минг йиллар давомида шакллантирилган ва асрлар оша сайқалланиб келаётган маънавий меросимиз бўлган диний қадриятлар ёшлар дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради. Фарзандларни дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигига тарбиялаш орқали амалда соғлом эътиқод шаклланади ҳамда ҳар хил бидъатхурофот амалларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш имконини яратади. Шу ўринда диний қадриятларни фақат ибодатдан иборат деб англамаслик кераклигини таъкидлаш лозим. Диний қадрият жуда кенг маънога эга бўлиб, ўз ичига миллатлараро тутувлиқ, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, олижаноблик, сахийлик каби маънавий-ахлоқий хусусиятларни қамраб олади. Айнан диний

бағрикенглик, яъни ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қараш, сабр-бардош ва тоқатли бўлиш, ўз навбатида келиб чиқиши мумкин бўлган кўпгина ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қиласди. Зеро, бағрикенглик руҳида тарбия топган фарзанд онгида ўзга маданиятлардан хуркиб туриш эмас, балки уларга кенгфеълийк билан қараш ва қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш, ўзаро тушуниш инстинкти шаклланади. Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардустийлик, насронийлик, яхудийлик, Ислом динлари ёнма-ён яшаб келган. Юртимизда минг йиллар давомида фаолият кўрсатиб келган масжид, черков, синагогалар ва бошқа ибодатхоналарда турли миллат ва динга мансуб қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этиб келгандар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмаган. Аксинча, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муносабатлари ҳамиша жамиятда юз бериши мумкин бўлган низоларга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган.

Мустаҳкам оила барпо этиш ҳамда соғлом насл қолдириш барча даврлар учун долзарб бўлган. Ислом динида ҳам уйланаётган йигитларга қўйиладиган талабларидан бири бўлажак рафиқасининг насл-насаби, ижтимоий аҳволини билиб уйланишидир. Зеро, фарзанднинг соғлом, меҳнатсевар, одобли бўлиши кўпроқ онага боғлиқ. Ҳазрат Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган ҳадисда ҳам Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Фарзандларингизга муносиб онани ихтиёр қилинглар», дея таъкидлаганлари эътиборга молик. Аёлнинг хулқи, одоб-ахлоқи ҳамда соғлом экани наслнинг худди шу тарзда давом этишига сабаб бўлувчи омиллардан ҳисобланади. Оила қуришдан мақсад инсоннинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш, фаҳш ва бузуқ ишлардан тийилишига эришишдир. Ўзини нопок ишлардан тийган ҳолда соғлом оила қу-

риш, фарзандли бўлишга барча давр мутафаккирлари ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Афлотун энг соғлом болани 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёл дунёга келтиради дея таъкидлаган. Демак, никоҳланувчиларнинг саломатлиги ҳамма даврда долзарб саналган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам турмуш қураётган ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»га асосан хотин-қизларнинг никоҳ ёши 17 ёш деб белгиланган бўлсада, тиббиёт хулосаларига кўра эса, оила қуриш учун энг қулай давр қизлар учун 20–24 ёш, йигитлар учун 24–26 ёш, ёшлари орасидаги фарқ 3–6 ёшгача бўлгани мақсадга мувофиқ. Зеро, балогат ёши камолот ёши эмас.

Фарзанд тарбиясида унинг соғлиғига эътибор қаратиш муҳимдир. Соғлиқ ҳақида турли даврларда яшаган алломалар ҳам ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино бундай дейди: «Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия. Бадантарбия ўзга тадбирлар билан бирга тўғри ишлатилганда гавдани тўлдирувчи нарсалар тўпланишининг олдини оловучи кучли омиллардан бўлиб, тугма иссиқликни оширади, танага енгиллик беради. Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди. Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт. Бадантарбияни тарк этган одам аксари хароб бўлади, зеро, ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади». Абдурауф Фитрат: «Бадантарбия баданни соғлом ва кучли ҳамда аъзоларни мукаммал даражага етказишдан иборат, бусиз баҳт-саодатга эришиб бўлмайди», дея инсон танининг соғлом бўлишига алоҳида аҳамият берган.

Абдулла Авлоний эса: «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чunksи ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга

кучлик, касалсиз жасад лозимдур... Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур», деб таъкидлаган. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам ота-оналарни ўз фарзандларини соғлом тарбиялаш ҳамда мунтазам бадантарбия билан шугулланишга тарғиб қилганлар. Жумладан, «Авлодларингизга сузиш, мерганик ва от минишни таълим беринглар» ёки «Ёзиш, сузиш ва отишни таълим бериш фарзанднинг ота-онадаги ҳақлариданdir», деб марҳамат қилганлар.

Бир миллатнинг ўзлигини сақлашнинг энг муҳим омилларидан бири ахлоқдир. Зеро, ахлоқ ҳар бир соғлом ва маънавий юксак жамиятни барпо этиш учун энг биринчи асосдир. Бир риёзиётчи донишмандан инсоннинг ахлоқи ва ундаги бошқа фазилатлар ҳақида сўралганда, у шундай деб жавоб берди: «Инсон ахлоқли бўлса унга 1 қўямиз. Агар ҳусни жамоли бўлса битта 0 қўшамиз, 10 бўлади. Агар сарватдор бўлса яна битта 0 қўшамиз, 100 бўлади. Агар насабли бўлса унга яна бир 0 қўямиз, 1000 бўлади ва ҳоказо. Аммо ахлоқи бўлмаса, 1 ни олиб ташлашга тўғри келади. Натижада куруқ ноллар қолади. 1 бўлмагунча 0 нинг ҳеч қандай қиймати йўқ».

«Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар», деган ҳалқ мақоли ҳар доимгидан ҳам кўра ҳозирги кунимиз учун жуда тўғри келади. Фарзандга қандай илм-тарбия берилса, шу асосда унинг дунёқарashi, одамларга муносабати шаклланади. Таълим-тарбия ҳам фарзандлик ҳақларидан саналади. Одамга энг кўп фойда келтирадиган нарса ҳам илмдир. Шундай экан, бола тарбиясида соғлом ақл, тафаккур, илм-маърифат, кенг дунёқарашнинг шаклланиши катта аҳамият касб этади. Фарзандларни ёшлиқ чоғларидан илм ва касб йўлига йўллаб қўйиш – улар истиқболи саодатли бўлишини таъминловчи муҳим омил. Зеро, болаликдаги илм ка касб-хунар тошга йўнилган нақш кабидир. Касб-хунар жамиятнинг аксар ижтимоий

заруратлари ечими ҳисобланади. Қадимдан ҳар бир касб-хунарнинг ўз тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг баёни ҳақида маҳсус рисолалар ёзилган. Чунончи: дехқончилик, дурадгорчилик, сартарошлиқ, қассоблик, темирчилик, чилангарлик, кулолчилик, чорвачилик, тижорат ва бошқа касб-хунарлар баёнига оид рисолаларнинг қўлёзма нусхалари юртимиз қўлёзма фондларида кўплаб учрайди. Ҳозирда ҳам бундай рисолаларга аҳоли орасида талаб юқори. Бинобарин, соғлом жамиятларда фарзандларни касб-хунарли қилиб тарбиялашга эътибор доим устувор бўлиб келган.

Инсон ўз оиласи таъминотини ҳалол меҳнат ва фойдали саъй-ҳаракати туфайли қондирап экан, шубҳасиз, бу йўлда чеккан заҳмати савобли амалларга айланади. Глобаллашув шароитида ҳозирги замон оиласига ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш билан боғлиқ юксак ва ўз ўрнида ўта масъулиятли вазифа юклатилади. Фарзандларни илк ёшидан бошлаб кучи, диди, қобилияти ва қизиқишликларига мос тушадиган фойдали меҳнат ва касб-хунарларга ўргатиш уларнинг иқболи учун муҳим. Зеро, ҳар бир нарсанинг зеб-зийнати бор, ёшликтинг безаги, келажак сармояси эса касб-хунар ортидандир. Касб-хунарли фарзанд ҳаётда ўз йўлини топиши баробарида ҳар қандай мушкул вазифаларнинг ҳам уддасидан чиқа олади. Ҳунарсиз киши эса турмушда қийинчиликларга дуч келиши табиий. Мана шу эътибордан хунар эгаллаш, эгаллаганда ҳам пухта эгаллаш лозим. Шу ўринда мавлоно Саъдийнинг ибратли насиҳатлари ўринли: «Азиз ўғлонларим, хунар ўрганинглар, зеро, молу дунёга эътимод йўқ, олтин, кумуш эса сафарда хатарли. Уни қароқчи ўғирлаши ёки эгаси томонидан еб-ичиб юборилиши ҳам мумкин. Аммо касб-хунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир». Дарҳақиқат, хунар эгаси қаерга борса қадрланиб, тўрдан жой олади. Ҳунарсиз одам эса хорлик, машақватга маҳкум бўлади.

Юқоридагилар бир қаторда соғлом авлодни вояга етказишда ҳамда уларнинг етук инсон бўлиб камол топишида спорт ва жисмоний тарбия муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам юртимиз аҳолиси қадимдан бу масалага алоҳида эътибор билан қараганлар. Бобокалонларимиз Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Захириддин Муҳаммад Бобур нафақат давлат арбоби ёки ижодкоролим, балки саркарда, енгилмас паҳлавон, жисмонан бақувват инсон бўлганлар. Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий каби мутафаккир алломаларимиз эса ўз асарларида фарзандлар таълим-тарбияси жисмоний тарбия билан уйғунликда самарали бўлишини алоҳида таъкидлаганлар.

Буюк саркарда Амир Темурнинг паҳлавон, мард, жасур бўлиб вояга етишида ҳам ёшлигидан жисмоний машқлар билан шуғуллангани муҳим ўрин тутган. Жисмонан бақувват фарзандларнинг руҳияти ҳам тетик ва мустаҳкам бўлади. Ҳаётда турли муаммоларга дуч келганда тушкунликка тушиб қолмайди. Шунингдек, руҳий ҳолатининг мувозанати ҳам беҳудага бузилавермайди. Юртимизнинг келажаги мустаҳкам ва бақувват қўлларда бўлиши учун фарзандларимизни жисмонан ва маънан соғлом этиб камолга етказиш эл-юрт, ватан, миллат ва динимиз олдидаги шарафли бурчимиз эканини унутмайлик.

Иброҳим УСМОНОВ

КЕКСАЛИК – ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилганини халқимиз катта мамнуният билан қарши олди. Чунки замонлар оша қон-қони, онгу шуурига сингиб кетиб, миллий қадрият даражасига етган ёши улуғларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш фазилати

асрий анъаналаримиз ва турмуш тарзимиз билан ҳам уйғунлашиб кетган. Ислом манбаларида кексаларнинг миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар уларнинг барчасига баб-баробар ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши алоҳида таъкидланади. Халқимизга хос бўлган бу олий фазилат узоқ асрлар давомида кўпмиллатли ва кўпконфесияли мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойиллари мустаҳкам қарор топишига хизмат қилиб келмоқда.

Халқимиз кексалар тимсолида турмушнинг файзу баракаси, қувончу шодлигини кўришга одатланган. Айниқса, ёш авлоднинг кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши, ота-онасини бениҳоя эъзозлаши асрлар синовидан ўтган маънавий қадриятларимиздандир. Чунки ёши улуғ, нуроний кексаларимиз умримиз чароғбонлари, уларнинг пурмаъно маслаҳат ва ўйтлари ишларимизга унум бағишлиб, ҳаётимизни безаб келган. Шунинг учун ҳам хонадонларимиз файзу баракаси бўлган кексаларга нисбатан “Кексалик – ҳаёт зийнати”, деган нақл доимо тақрорланади.

Ўзбек оиласида қариялар одатда, оиланинг бош раҳнамоси, асосий маслаҳатгўйи хисобланади. Барча ишлар асосан уларнинг фикрию раъйтига қараб қилинади. Ёши улуғ оқсоқолларга ҳамма ерда ҳурмат-эътибор кўрсатилиб, улар уйнинг тўрига ўтқазилади, сузилган овқат ёки қуйилган чой энг аввало уларга узатилади. Дастурхонга биринчи бўлиб оиланинг ёши улуғи қўл уради, нонни ҳам ушатади. Ишга ёки ўқишига оиланинг ёши улуғидан, боболардан, бувилардан фотиҳа олиб кетилади. Уйга қайтганда ҳам аввал уларга учрашилиб, салом берилади, ҳол-аҳвол сўралади. Ўзбек оиласи одобига кўра катта ёшлилар болаларга, балоғатга етган фарзандлар, келинлар катталарга очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайдилар, бачканана қилиқ қилмайдилар, пардасиз сўзни айтмайдилар, сизлаб мурожаат қиласидилар. Бу том

маънодаги юксак инсоний фазилатлар оиласда ўзаро меҳр-оқибатни, бир-бирига хурматни мустаҳкамлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNFPA – аҳолишунослик бўйича жамғармаси берган статистик маълумотларига кўра, дунё миқёсида кексалар сони аҳоли сонига нисбатан тез ўсиб бормоқда. Чунончи, ёши 60дан ошганлар 2000 йилда дунё аҳолисининг 8%, 2012 йилда эса 11%ни ташкил қилган. Турмуш даражасининг ўсиши, соғлиқни сақлашда эришилаётган ютуқлар, ижтимоий соҳалардаги ривожланиш ва бошقا қатор омиллар туфайли бу кўрсаткичлар тобора ортиб бориши, яъни 2025 йили 14%, 2050 йил эса 22% га етиши кутилмоқда. Аммо бунга ҳеч ким ташвишли муаммо сифатида баҳо бермаслиги керак. Халқ мақолларимизда бежизга “Қариси бор уйнинг баракаси бор”, “Қари билгани пари билмас” дейилмаган, ҳадиси шарифларда эса инсон атрофидаги кексалар, заифлар шарофати билан ризқлантирилиши ҳам бекорга таъкидланмаган.

Кекса инсоннинг йиллар бўйи тўплаган тажрибаси, донолик ва заковат ҳазинаси ошиши баробарида заифлик унинг соғлиги ва жисмида ўз изини қолдиради. Кексалик ҳолати Ислом динида хорлик ва камчилик сифатида эмас, балки улуғворлик ва нуронийлик фазилати деб қаралади.

Инсон баъзан тушкунликка тушиб, дардига даво йўқдек, ҳамма нарсадан чарчаб, қўл силтаган вақтида биргина ёши улуг кишининг бамаъни суҳбати унинг ҳаётта бўлган иштиёқини пайдо қиласди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида бу хусусда ажойиб ибора ва ҳикматлар бор: “Хонадонингизда кекса одам борми? Бахтили экансиз! Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт абадий эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз.

Одам ўз фарзандларининг йил сайин ўсиб, камол сари кетаётганини билади-ю, ўз ота-онасининг йил сайин чўкиб, завол сари кетаётганини билмайди...”

Хеч бир инсон жамиятдан айрилиб, ёлғиз ўзи яшай олмайды. Инсон зоти борки, кишилик жамиятининг ўзгармас қонунига бўйсунган ҳолда ўзгалар билан ўзаро муносабат ўрнатишга, улар билан аҳил-тотув яшашга мойил. Инсонни жамият билан узвий боғлайдиган ришталар жуда кўп ва хилма-хилдир. Буларнинг ичидаги тоғоятда муҳими, энг таъсири кучлиси қон ва насаб қариндошлиги ҳисобланади. Зотан, инсон бу риштага суюнади, ундан куч ва қувват олади, шу тушунча орқали кундалик муаммоларини ечиб, тинч ва осуда ҳаёт кечиришни ният қиласди.

Мана шу қаторда ёши улуғ қариндошлар билан қариндошлик алоқаларига алоҳида ургу бериш гўзал инсоний ва исломий хулқ-одобдандир. Уларнинг ёши, тажрибаси, баракаси туфайли силаи раҳм қилувчиларга кўплаб фойдалар етади. Зеро, уларнинг ҳам инсонлик, ҳам қариндошлик, ҳам кексалик ҳақлари борки, уларни поймол этиш кишини кўплаб неъматлардан маҳрум қиласди.

Манбаларда зикри келган ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш дейилгандан, ҳар ишда улардан маслаҳат сўраш, йиғинларда юқорироқ жойга ўтказиш, таомга улардан кейин кўл узатиш каби маъноларни тушуниш мумкин. Бинобарин, кексаларга нисбатан истеъмолда бўлган “эъзозлаш”, “ҳурмат кўрсатиш”, “қадрлаш” тушунчалари ортида “ўзликни англаш” маъноси ётади. Бу сўз замирида эса имон бутлиги, одоб-ахлок, аждодлар мероси, шунингдек, атрофимиздаги инсонларга чукур ҳурмат мужассам. Ёш авлод турмуш синовларида тобланиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, теран фикрли, имон-эътиқодли, улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доимо эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам орамизда катталарнинг борлиги улуғ неъматдир.

Фарзандлар учун баҳт калити аввало ота-оналари ҳузурида бўлиб, уларни рози қилишлари, уларга меҳр-мурувват кўрсатишлари, доимо хурсанд қилишлари

лозимдир. Ҳозирги кунимизда баъзи кишилар билиб ёки билмай, ёки енгил санаб, ёхуд тўғри қиляпман, деган фикрга бориб, ота-оналарига нисбатан одобсизлик қилган ҳолатлари учрайди. Булар қўйидаги ҳолатларни қамраб олади:

– фарзанднинг ота ёки онасига овозини кўтариб гапириши, шунингдек, уларнинг хоҳишига қаршилик қилиш, “уф” дейиш, йиглатиш. Улар сўзлаётганларида гапларини бўлиш ёки ёлғончига чиқариш кабилар миллий ва диний қадриятларимизга зиддир.

– айрим кишилар билиб-бilmай дўсту биродарлари, турмуш ўртоғи билан яхши муносабат ва хушмуомалада бўлиб, аммо ота-онага қўрс, қўпол муносабатда бўлади, уларга хўмрайиб, ўқрайиб қараш каби ҳолатлар содир этади. Бу ҳам кишини баҳтсизликка олиб борувчи иллатлардандир;

– ота ёки онасига раҳм-шафқатли бўлмаслик ҳолати. Масалан, уларга иш буюриш, овқат қилиш, уйни тозалаш ва шунга ўхшаш бошқа ишларни буюриш кабиларни зикр этиш мумкин. Лекин улар ўзлари бирор ишни қилишни яхши кўрсалар, уларнинг кўнгилларига қараб енгиллаштириш лозимдир;

– ота-она билан маслаҳатлашмай иш қилиш, уларнинг ҳузурларига рухсат сўрамай, дабдурустдан кириб бориш, уларнинг олдиларида ўз турмуш ўртоғи, ақакалари ёки бошқалар билан муаммолар чиқариш;

– ота-онани бошқалар олдида беҳурмат қилиш ва обрўларини тушириш. Бунга уларни ёмонлаб ўз айб ва хатоларини беркитиш, бошқаларнинг ота-оналарини лаънатлаш, кўпчилик олдида беодоблик қилиб, оқибатда ўз ота-онасига лаънатлар келтириш каби ҳолатлар киради;

– ота-онанинг сарф-харажати учун баҳиллик қилиш ёки қилган харажатини миннат қилиб юриш;

– ота-онасини доимо хавотирлантириб юриш, уларни узоқ муддат ёлғиз қолдириш, оқибатда хоҳиш ва

ҳожатларини айттолмай қолишлари. Улар кексайган вақтларида фарзандларнинг иш билан бўлиб, улардан узоқлашиб кетишлари. Уларга озор бериш, талаблар қўйиш, оғир ҳолатларга тушириш, пул маблағлари ёки бошқа нарсаларни сўраб хижолатга солиш;

– ота-онанинг олдига очиқ юз билан кирмай, тунд бўлиб юриб, уларнинг дилига озор етказиш.

Ҳадисларда ота-онага яхшилик қилиш туфайли инсоннинг дуосини Тангри таоло қабул қилиши айтилади. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳих” асарида “Ота-онасига яхшилик қилган кишининг дуоси қабул бўлиши ҳақида” деган алоҳида боб ажратиб, у ерга ғорда қамалиб қолиб, бажарган хайрли амалини васила қилган уч киши ҳақидаги ҳадисни келтиради. Улардан бири ўзининг хайрли амали сифатида ота-онасига кўрсатган меҳр-мурувватини келтиради.

Инсон ёши улғайиб, бели қувватдан қолганда ҳар қанча ғайратли бўлмасин, ўзида аввалгидек куч топа олмаслиги мумкин. Шундай вақтда фарзандлар ва атрофдагилар кексаларни энг зарур инсон эканликларини сидқидилдан ўз сўзлари, хатти-ҳаракатлари, илтифотлари ва очиқ чехралари билан билдиришлари зарур. Бу эса ота-оналарнинг дуосини олишга, келаҗакдаги муваффақиятларга ва энг муҳими, уларнинг ҳаётга иштиёқи ортишига сабаб бўлади. Бу ҳақда ҳазрати Алишер Навоий шундай ёзади:

*Фарзанд ато қуллиғин чу одат қилғай,
Ул одат ила қасби саодат қилғай,
Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.*

Қарияларга қўлидан ҳеч иш келмайдиган, фақат истеъмолчи сифатида муносабатда бўлиш улкан хатодир. Аслида кексалар ёшлиқ даврида ўз меҳнатларини фарзандларига, жамиятга фидо қилгани ва кексаликда унинг гаштини суришга тамомила сазовор эканликларини унутмаслик керак. Улар ёш боладек инжиқ, кўнгиллари нозик, бироз эътиборга муҳтој

бўлиб қолишлари ҳам табиий ҳол. Бу борада Навоий ҳазратлари “Муншаот” асарида шундай дейди:

*Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато токи қилса ато.
Атонинг хатосини билгин савоб,
Сени юз балодин қутқаргай Худо.*

Ҳар бир ёш, насиб этса, қарилликка етгусидир. Қарилликка ўзимизни ёшлиқдан ҳозирламоғимиз зарур. Ёшлиқда кексаларга, ота-оналаримизга, яқинларимизга ва устозларимизга қилган муносабатимизнинг акс-садосини кексайганда гувоҳи бўламиз. Аллома Маҳмуд Замахшарий айтганларидек: “Ёшлиқ сени тарк этгач, пушаймонлик кор қилмайди. Қоматинг эгилгунча, бошинг тепаси ярқираб, қора сочинингга оқ оралагунча ҳаракат қилиб қол”. Зеро, сўнгти пушаймон ўзингга душман.

Гоҳида автобусста оғир юклари билан кекса киши чиққанида ҳам бемалол ўтираверадиган ёшлар учраб турди. Чунки уларга қарияларга жой бериш одоби ўргатилмаган. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) айтганлар: “Қайси бир ёш инсон бир кексани кексалиги учун эҳтиром қилса, Аллоҳ унга ҳам мана шу кексанинг ёшига етганида уни иззат қиласидиганларни тақдирига битади” (*Термизий ривояти*).

Жамиятимизда нуроний кексаларнинг алоҳида ўрни бор. Уларга алоҳида ҳурмат ва иззат-икром билан муомала қилинган. Бунга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қатор ҳадисларида тарғиб қилинади. Жумладан, у зот (алайҳиссалом): “Барака кексаларингиз билан”, “Оиласидаги кекса киши уммат ичидаги пайғамбар кабидир”, деганлар.

Ёши улуғларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг барча миллий урф-одатларига сингиб кетган. Ушбу одатларнинг асоси муқаддас динимизда мужассам бўлган.

Иброҳим УСМОНОВ

ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ

Хотира инсонни неъматларга шукр қилишга ундаиди. Чунки кечаги кунини эслаб, тафаккур қилган инсон бугунидан мамнун бўлади. Янада эзгу ишлар қилишга чоғланади. Элу юрт манфаати йўлида қилинган озгина яхшилик ҳам унут бўлиб кетмаслигига ишонади.

Юртимизда улуғ аждодлар хотирасини қадрлаш, мамлакат тараққиёти, юрт озодлиги йўлида жон фидо этган ота-боболаримиз рухини шод этиш учун кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтганларни эслаб, ҳақларига дуо қилиш, қабрларини зиёрат этиш, улар учун истиғфор айтиш савоби улуғ ишлардандир. Халқимизда зиёратгоҳлар, қадамжолар ва қабристонларни зиёрат қилиш қоидалари, одоблари миллий ва диний қадриятларимиз асосида шаклланган. Жумладан:

– Зиёрат вақтида турли ҳожат-истакларни қабр эгаларидан сўраш мумкин эмас.

– Зиёратчи қабристонга кирар экан: “Ассалому алайкум, эй қабристон аҳли! Аллоҳ таоло сизларни ва бизларни мағфират айласин! Сизлар бу жойга биздан аввал келдингиз, Худо ҳоҳласа, биз ҳам шу жойга келамиз”, деб зиёратни бошлайди.

– Зиёратгоҳда, қабрлар босилмайдиган бир жойда ўтириб, марҳумлар ҳаққига Куръон тиловати, сўнг холис дуолар қилинади.

– Зиёрат вақтида қабр тошларини ўпиш, силаш, юз-кўзга суриш, қабр атрофини айланиб тавоғ қилиш, у ерда шам ёқиш, бирор мақсадни кўзлаган ҳолда зиёратгоҳ ҳудудидаги дараҳт ёки ёғочларга ип ёки мато парчаларини боғлаш қатъиян ман этилади.

– Зиёратгоҳда суратга тушиш, қабр тошлари устига ўтириш, у ерда кулиб ёки товушни кўтариб баланд овозда гаплашиш асло мумкин эмас.

– Зиёрат қилинаётган мұхтарам зот ҳам Аллоҳнинг ожиз бандасидир. Үндан нажот тилаш ёки бирор ҳожатни сўраш, унга атаб жонлиқ сўйиш бефойда иш, аксинча, катта гуноҳ ва ширк амалдир.

– Зиёратгоҳ ҳудуди озодалигини сақлаш керак. Ёш болаларнинг бошқа зиёратчиларга халал беришларининг олдини олиш лозим.

– Қабр зиёратидан икки нарса мақсад қилинади: охиратни эслаш, дунёнинг ўткинчилигини ҳис этиш, қабр аҳлининг ҳаққига дуо қилиш, уларга мағфират сўраш, Қуръон тиловат қилиш.

– Зиёратчи ўзи зиёрат қилмоқчи бўлган қабрга оёқ тарафидан келиб, қабрнинг ўнг тарафига турари ва қабрга юзланиб, қиблага орқа қилган ҳолда қабр эгасига салом беради ва тиловат қилади.

– Ота-она, устоз-шогирдлар ва шу каби яқинлар бир жойга қўйилган бўлса, аввал катталаридан бошлаб зиёрат қилинади, ҳар бирларига салом бериш ҳам одобдандир.

– Қабр зиёратига келган киши агар билса, Мулк (Таборак) сурасини ўқиса, яхши бўлади. Зеро, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «У (Мулк сураси) ман қилувчидир, у нажот берувчидир, у қабр азобидан нажот беради», деганлар.

– Қабр зиёратига келган кишига Ихлос сурасини уч ёки ўн бир марта ўқиш ҳам тавсия этилган. Имконияти бўлса, Ёсин сурасини ва Курсий оятини ўқиса, савоби кўпроқ бўлади.

– Қабр олдида Қуръонни овоз чиқариб тиловат қилган афзал, чунки қабр аҳли ундан баҳра олади.

– Зиёратчи Қуръон савобини мархумга бағишилаганида қабристон аҳлини ҳам унутмаслиги керак.

– Қабр устидаги кўкариб турган ўсимлик, дов-дараҳт ва майсаларга тегилмайди, чунки уларнинг тасбеҳидан майиттга манфаат бор. Қуриганларини йиғиб олиш мумкин.

– Қабристонда кулиш, ҳазил-хузул қилиш, дунёвий гапларни гаплашиш одобдан эмас. Шунингдек, қабристонда заруратсиз югуриш, ортиқча ҳаракатлар қилиш ҳам беодобликдир.

– Қабристонда босиқ, сокин юринг. Оёғингиз остида кимлар ётибди, бир мулоҳаза қилинг!

– Қабр зиёрати учун маълум бир кунни тайин қилиб олиш жоиз эмас, бидъат хисобланади. Имкон топилганда зиёрат қилса бўлаверади. Душанба, пайшанба, жума ва шанба кунлари қабрларни зиёрат қилиш учун энг афзал вақт саналади. Жума куни намоздан кейин ҳам қабрларни зиёрат қилиш яхшидир. Шунингдек, бошқа фазилатли кунларда қабрларни зиёрат қилиш мумкин.

– Қабрларни фақат лой билан суваш ва уларга белги учун кичикроқ тош қўйиш мумкин. Аммо қимматбаҳо буюмлар қўйиш исроф. Унга кетадиган маблагни тирик муҳтоjlарга сарфлаш керак ва шуниси марҳумга ҳам, тирикларга ҳам савоблидир.

– Дунё машғулотларини тарк этиб, охиратни ўйлаш; марҳумларнинг яхши сифатларини эсга олиш, ўзини сархисоб қилиш, қабрга қанчалар тайёр эканини ўйлаш, зиёратдан вазминлик, тафаккур ва тадаббур билан қайтиш ҳам гўзал одоблардандир.

– Марҳумлар касалларга шифо, бепуштларга фарзанд бера олмайди. Тириклар ҳожатинираво қилувчи ҳам, дуюю истиғфорлар туфайли марҳумлар ҳолатини яхшиловчи ҳам Аллоҳ таолодир.

– Қабр тепасида шам ёқишиш бидъатдир. Бу ишнинг мутлақо нафи йўқ. Сабаби, ёқилган шам катта аланга бўлса ҳам, маййитнинг қабрини ёрита олмайди. Унинг қабрига солиҳ амаллар, Қуръон тиловати, қилинган садақа каби ишларнинг савоби нур бўлади.

Қабристон ва зиёратгоҳларни зиёрат қилиш орқали инсон маънавиятининг юксалишини эътиборга олиб, мамлакатимизда ҳар йили 9 майни “Хотира ва Қадрлаш куни” сифатида кенг нишонлаш ва шу куни марҳумлар-

ни руҳини шод этиш анъанаси жорий этилгани энг хайрли ишлардан ҳисобланади. Қабристонни зиёрат қилишдан асосий мақсад, у ерда ётганларни хотирлаб, руҳларига дуолар қилиш, уларнинг ҳолатидан ибрат олишдир. Қабристонларни қаровсиз қолдирмаслик, балки уларни обод ва озода зиёратгоҳларга айлантириш айни савобли ва ибратли ишлардандир.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ

АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИДА СОГЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Юртимиз алломалари меросида бола тарбиясига, унинг келажакда баркамол инсон бўлиб этишига катта эътибор қаратилган. Болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш юртимиз фақиҳлари асарларида мукаммал ёритиб берилган. Ушбу асарларда бола тарбиясига оид қуидаги фикрлар илгари сурилган: биринчидан, фарзандга яхши тарбия бериш – бу ота-онанинг энг асосий вазифаси; иккинчидан, фарзанд тарбиясида ота-онанинг бирдек масъуллиги; учинчидан, ота фарзандни имкон қадар яхши таъминлаши; тўртинчидан, ота-она фарзандига чиройли исм бериши; бешинчидан, ота-она фарзандини таълимга йўналтириши, илмли ва касб-хунарли қилиши; олтинчидан, ота-она фарзандлар ўртасида адолатли бўлиши, уларга teng муомалада бўлиши; еттинчидан, фарзандларга меҳр-мурувватли бўлиш, уларга яхши муносабатда бўлиш; саккизинчидан, фарзандларга ўз насл-насаби ҳақида батафсил маълумот бериш.

Бугунги кундаги фарзанд тарбиясини халқимизда қадимдан шаклланиб келган урф-одатлар, миллий ва диний қадрияtlар билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш келажакда уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга этишларига мустаҳкам замин яратади. Ёшларнинг қалби ва онгидга соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умум-

инсоний қадриятларга ҳурмат-эхтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишилаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган. Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга етаклаш муаммоларига эътибор берганлар. Уларнинг ёшларни ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечиришга ундейдиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юргита наф етказадиган, тириклик мазмунини терананглаб, тўғри хулоса чиқарадиган инсонлар бўлишга ундовчи ҳаётий қарашлари, ҳикматларининг аҳамияти бекёсdir. Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг «Танбехул ғофилин», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида фарзандларда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган. Бундан ташқари, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг ўнлаб асарларида одоб-ахлоқнинг гўзал намуналари бадиий талқин қилинган.

Имом Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» номли асарида Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг инсонларни яхши одоб ва ахлоққа оид ҳадислари жамланган. Тўпламда ота ўз фарзандларига марҳаматли, меҳр-шафқатли бўлиши, одоб ўргатиши, яхшилик қилиши ҳақидаги ҳадислар ҳам келтирилган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Умар: «Аллоҳ таоло Қуръони каримда яхши бандаларни аброр (яхшилик қилувчилар) деб

мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилғанларидек, болаларига ҳам яхшилик қилған эдилар. Сенинг бўйнингда отангнинг ҳақи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳақи бор, дедилар». Шунингдек, Намир ибн Авсдан ривоят қилинишича, ўтмиш кишилар болаларнинг солиҳ-қобил бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфики билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталарининг вазифасидир, дер экан. Бундан ташқари, асарда солиҳ бола кўзга шодлик, хурсандлик келтиришга сабабчи бўлиши, фарзандга тўғри тарбия беришнинг fazilatlari ҳақида ҳам ҳадислар келтирилган.

Ўзбек халқи қадимдан соғлом фарзанд тарбияси масаласига жиддий эътибор билан ёндашган. Масалан, бола тарбияси билан асосан диний-дунёвий илм соҳасида оқила энагалар ёки илм-маърифатда катта обрў-эътиборга эга устоз-мураббийлар шуғулланган. Бу ҳақда «Қобусномада»: «Фарзандингга ҳунар ва фазл ўргатмакда тақсир қилмағил ва ҳар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўргузгил, нединким ёш ўғлон илм ва адабни таёк била ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмағил, муаллимларнинг таёфи била кўрқутғил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендин ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Аммо унинг кўзига ўзингни ҳайбатлиғ кўргузғил, то сени хор тутмасин ва ҳамиша сендин кўрқиб юрсин. У бир нарсани орзу қилса, кудратинг етгунча ундин аямағил, то танга ҳаваси била сенинг ўлимингни тиламасин. Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил. Агар сен унга хоҳ адаб ўргатғил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргаттур. Ундоқим дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур» деган фикрлар билдирилган.

Ёш авлодни тарбиялаш масаласи доимо буюк мутафаккирларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Жумладан, Абу Али ибн Сино «Тиббий ўгитлар»ида: «Боланинг хулқ-атворини яхшилашга, тегишли парваришни амалга оширишга, боланинг теварагида у ёқтиромайдиган бирорта нарса ёки ҳодисанинг бўймаслигини таъминлашга қаратилиши даркор. Буларнинг бариси икки томонлама наф келтиради: 1) боланинг қалби ёлғиз эзгуликларнигина билади ва унда мустаҳкам, ўзгармас хулқ-атвор шаклланади; 2) хулқ-атворни мана шундай тартибда такомиллаштириш боланинг жисмоний ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, боланинг ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний саломатлиги унинг тарбиясига боғлиқ бўлар экан», деб уқтиrsa, Маҳмуд Замахшарий: «Инсоннинг асл отаси – бу унинг адабидир. Балки адаб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячидир», деб таъкидлайди. Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асарида ҳам фарзандлар тарбиясида муҳим бўлган анъанавий шарқона фазилатлар, исломий қадриятларга батафсил тўхталиб: «Фарзанд Ҳақнинг омонатидир. Ота-она олдида маҳшар вақтида бу омонат ҳаққи талаб қилинади. Бу омонат гўёки ойина – бутун борлиқ кўзгуси, аввалидир. Ҳақиқат жавоҳири уни нимага хоҳласа, ўшанга мойил қилиши мумкин. Демак, зарурат бўйича фарзандни тўғри тарбия қилиш керак, токи ёқимли сифатларга эга бўлсин. Аввало, унга чиройли ном бериш керак. Агар фарзанд номи муносиб бўймаса, маълум муддат яшагандан сўнг унда ўз исмига нисбатан нафрат пайдо бўлади. Яна мўътадил табиатлик ва хушмуомала ва покиза кўринишли бўлсин», деб ўз қарашларини баён этган.

Аждодларимиз бу улуғвор хислатларни қалбларига мустаҳкам жойлаб, каттаю кичикка ўз ўрнида қўллай билганлар. Ана шу руҳда вояга етган фарзанддан аввало, ота-она ва бутун жамият манфаат кўради. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний «Туркий

Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида таъкидлаганидек: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур». Расули акрам набийи муҳтарам (алайҳиссалом) жанобимиз: «Инсонларнинг карами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур», – демишлар». Ахлоқий-таълимий, маърифий-тарбиявий асарлари билан ёш авлодни эзгулик, юксак ахлоқийлик, зиёлилик руҳида тарбиялашга чақирган адаб яна қўйидагиларни таъкидлайди: «Агар бир киши ўшлигига нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқиз бўлуб ўсдими, бундай кишилардан яхшилиқ кутмак, ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидир. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани заардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдур».

Буюк мутафаккир Алишер Навоий: «Беодоблик шундай селки, у обрў ва виқор қасрини қўпориб, идрок бўйнини ҳар хил арқонлар билан боғлаб ташлайди. Оқил кишиларнинг айтишича, одоб риояси шундай сурмаки, унинг гардидан ҳар бир кишига суртса, эътибор кўзининг равшанлиги ҳеч қандай сабаб билан заифлик ва иллатга йўлиқмайди. Замонанинг катта-кичиклари унинг ҳузурини меҳру муҳаббат базмининг чироғи, деб биладилар. Кундан-кунга иқболининг юлдузи юксакликка кўтарилаверади», дея одобга юксак таъриф беради. Ота-онанинг фарзандга нисбатан энг муҳим бурчларидан бири уни ўшлигидан бошлаб илм олишга ўргатиш, улғайган сари бирор ўзига муносиб касбу ҳунар танлашга йўл кўрсатиб боришлиларидир. Авлоний айтганидек: «Ҳушёр ва зийрак кишилар куч ва қувватлари бор вақтида келадурган замонларини тушуниб, пул ва молларини ўринсиз ерларга, тўй ва маъракаларга ҳаддан ортиқча исроф қилмаслар, ўзларининг роҳати, бола-чақаларининг саодати

учун керак бўладурган ер ва боғларини сотмаслар, замонага мувофиқ киши қилмак учун болаларини ўқитмак ва тарбия қилмак тўғрисида ақчаларини асло қизғанмаслар». Аллома Абулбаракот Қодирий (XVI аср) эса тарбия таъсир қиласидаги кишиларни уч тоифага бўлади: «Биринчиси – ҳануз оқ-корани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қиласи. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан солиш мумкин. Иккинчиси – оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эса эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо уни доимий назорат қилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбеҳлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кетади. Учинчиси – оилада ботил хаёл ва фосид фикрлар билан улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган киши бўлади. Ёмонлик қиласа ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлади. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш – тирноқ билан қудук қазиш ёки ҳали қизиб чўқقا айланмаган темирни қуруқ қўл билан боғлашга баробар. Илм-фан, адабиёт-санъат, меъморчилик ва шу каби бошқа соҳаларда эришган улкан ютуқлари, буюк кашфиётлари билан дунё тамаддунига бекиёс улуш қўшган, шу боисдан дунё халқларининг қалбидан абадул-абад ўрин олган буюк аждодларимизнинг таржимаи ҳолига назар ташлайдиган бўлсак, болалик чоғлариданоқ уларнинг порлоқ келажагига оила мухитида мустаҳкам пойдевор қўйилганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг фикрича: «Бузуқ хотиндан туғилган ва

разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин». Уламолардан Бархурдор ибн Маҳмуд (XVII аср охири–XVIII аср боши) «Маҳбубул қулуб» асарида: «Оталарнинг ўз фарзандларига нисбатан бўлган муҳаббат қасри асосларидан бири – бутун куч ва қувватларини фарзандларини фаросат, камолот билан безатиб, уларнинг вужудини касбу ҳунар либоси билан кийинтиromoқларидан иборатдир», деб айтади. Олим болаларни ёмон, билимсиз кишилар билан доимо ҳамсуҳбат бўлишларига йўл қўймаслик керак. Чунки улар нимани кўрсалар ва кимга эргашсалар, ўша нарсаларга тезда кўнишиб қолишади. Агар шу ҳол рўй берса, ундан сўнг Луқмон ва Афлотуннинг мингта панду насиҳати билан ҳам уларнинг кўнглидан ўрганган нарсаларини чиқариб бўлмаслигини таъкидлайди. Яна бу ҳақда мутафаккир Хожа Самандар Термизий (XVII аср) «Дастур ал-мулук»ида қуйидаги фикрларни келтиради: «Ҳар ким ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб улғайса, катта бўлгач, унинг вужудига ўрнашиб оладиган бадфөъллик иллатини чиқариб ташлаш қийин бўлади». Ахлоқшунос олимлардан Муҳаммад ибн Муҳаммад Жомий (XV аср) «Риёз ан-носиҳин» номли қомусий китобида: «Бола етти ёшга етгач, уни илм олишга ва жоҳиллик ботқоғидан кутқаришга уринилади, агар унга илм ўргатишнинг иложи бўлмаса, бирорта яхши ҳунарга ўргатилади. Агар сенинг молинг қанчалик кўп бўлса, уларни фарзандингнинг илм ва ҳунар олиши йўлида сарфла, чунки молу давлатга ишониб бўлмайди, илм ва ҳунар эса ҳеч қачон ўлмайди», дея уқтиради. XVI асрда яшаган бухоролик олим Хуррамий ўзининг «Равзат ал-ошиқин» асарида: «Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбият қилгани кабидир. Боғбон ниҳолдан ўсиб чиққан номуносиб шохларни бутаб туратди, ён-атрофида эса фойдасиз гиёҳларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун бутун кучини сарфлайди.

Шундай қилинса, ниҳол бақувват бўлиб ўсади. Катта бўлганда ширин-шакар мева қилади. Бордию, ортиқча шохлари кесиб турилмаса, ниҳол тез ўсиб етилса-да, яхши ҳосил бермайди, боғбонга эса ундан фойда кам бўлади. Демак, билингки, бола ҳам худди ниҳолнинг ўзиdir. Агар у тарбият қилинмаса, ёмон феълларга мубтало бўлади ва фалокат харакатлари ўртасида сўлиб битади», деб ёзади. Фитрат эса: «Гарчи ҳар бир инсон бешикдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болаликдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир. Одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран ва хулқан камолга етказиб, саодатга эришишга қобил қилишдан иборатдир», дейди. Соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришда бу одобларни тарбиянинг пойдевори, деб билиш лозим. Зоро, бу фазилатли амаллар инсонни азиз қилади, улар шахсни жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, буюк аждодларимиз тафаккур дурдоналарини ўзида мужассам этган, уларнинг бекиёс илму идрокининг меваси бўлган асарлари инсон камолоти ва миллатимиз равнақининг асоси сифатида хулқий гўзаллик ва ақлий баркамоллик манбаи бўлиб хизмат қилади. Фарзандларни эътиқодли, билимли, ўз юрти тарихи, миллий қадриятлари ҳамда буюк аждодлар қолдирган илмий ва маънавий меросни асраршга ўргатиш оиласдан, ота-она ўгитларидан бошланади. Бу борада алломаларимиз мероси бугун ҳам маънавиятимизни бойитишга, баркамол авлодни тарбиялашдек олий мақсадга эришишга хизмат қилади.

Иброҳим УСМОНОВ

Мундарижа

| | |
|---|----|
| <i>Сўзбоши ўрнида</i> | 3 |
| <i>Ўзбекистон – буюк алломалар юрти</i> | |
| (<i>Муҳаммадбобур Йўлдошев</i>)..... | 4 |
| <i>Илм фазилати (Фахриддин Маманосиров)</i> | 15 |
| <i>Ватанга муҳаббат (Муҳаммадюсуп Тўракулов)</i> | 17 |
| <i>Ота-онани ҳурмат қилиш (Соатмурод Примов)</i> | 23 |
| <i>Касб-ҳунарли бўлиш фазилати</i> | |
| (<i>Муҳаммадюсуп Тўракулов</i>)..... | 30 |
| <i>Ростгўй одам ютқазмайди (Муҳаммадназар Қаюмов)</i> | 37 |
| <i>Ёмон ахлоқдан узоқ бўлайлик</i> | |
| (<i>Муҳаммадюсуп Тўракулов</i>)..... | 42 |
| <i>Аёлларга эҳтиром (Муҳаммадназар Қаюмов)</i> | 47 |
| <i>Одоб – инсон кўрки (<i>Муҳаммадбобур Йўлдошев</i>)</i> | 55 |
| <i>Маънавияти юксак халқмиз (<i>Муҳаммад Сиддиқ</i>)</i> | 67 |
| <i>Маънан соғлом, жисмонан бақувват</i> | |
| авлод (<i>Иброҳим Усмонов</i>)..... | 72 |
| <i>Кексалик – ҳаёт зийнати (<i>Иброҳим Усмонов</i>)</i> | 79 |
| <i>Зиёрат одоблари (<i>Абдулҳамид Турсунов</i>)</i> | 86 |
| <i>Аждодларимиз меросида соғлом авлод</i> | |
| тарбияси (<i>Иброҳим Усмонов</i>) | 89 |

Диний – маърифий нашр

АЖДОДЛАР МЕРОСИ – МАЪРИФАТ ЗИЁСИ

Муҳаррир Абдужалил ХЎЖАМОВ

Бадиий муҳаррир Баҳром ИКРОМОВ

Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусаҳҳиҳа Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2015 йил 18 августда берилди. Босишга 2015 йил 21 августда рухсат этилди. Офсет қозози. Қофоз бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$.

Харф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Хисоб-нашриёт т.: 6,25. Шартли б. т.: 6,0. Адади: 1000 нусха.
—сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур кўчаси 86-уй

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz